

ЖАНГ МАЙДОНЛАРИДА ҲАЛОК БЎЛГАН ҚАҲРАМОНЛАРНИНГ РУҲИ ПОКЛАРИНИ ДОИМО ХОТИРАМИЗДА САҚЛАШ, САФИМИЗДА ҲАЁТ ЮРГАН МЎЪТАБАР ФАХРИЙЛАРИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЭЪЗОЗЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ, ҚИЁМАТ ҚАРЗИМИЗ БЎЛМОҒИ КЕРАК.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 9 май, сешанба №56 (21.819.) Сотувда эркин нархда.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД



СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдонида Ғалаба паради. **Р. НУРИДДИНОВ ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Фашизм устидан Буюк Ғалаба қозонилганига роппа-роса 50 йил тўлди. Бу ғалаба бутун инсоният тарихидан муносиб ўрин эгалладi. Бошқа халқлар қатори ўзбекистонликлар ҳам ғалаба учун мардона курашган эди. Улар ўз жонини аямасдан, иккинчи жаҳон урушининг барча жабҳасида душман билан қаҳрамонона жанг қилди. Жангчилар қони ва жони эвазига келган мукофотлар бунинг яққол далилидир. Ўзбекистоннинг 170 мингдан ортиқ вакили орден ва медаллар билан мукофотланган. Шулардан 338 кишига Қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери бўлган. Биз улар кўрсатган жасорат олдида бош эгамиз, фронт ортида фидокорона меҳнати билан ғалабани яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган кишиларга юксак эҳтиромимизни билдирамиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг жанг майдонларида ҳалок бўлган оталаримиз ва оғаларимиз хотираси олдида бош эгиб, уларнинг қаҳрамонлигини фахр билан ёдлаб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги тўғрисидаги гапи айни ҳақиқатдир.

8 май куни республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлди.

Майдон байрамона безатилган, баҳор шабадаси байроқларни ҳилпиратиб турибди, ёрқин тантанали шиорлар диққатни жалб этади.

Меҳмонлар учун ажратилган жойдан ҳукумат аъзолари, республика Олий Мажлиси депутатлари, вилоятларнинг ҳокимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Тошкентдаги меҳнат жамоалари аъзолари ўрин олган.

Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳам шу ерда.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакат Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов, республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва республика Бош вазирининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳукумат минбари-

(Давоми 2-бетда).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

6 май куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди. Депутатлар қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б. Эшоновнинг иккинчи ўқишда киритилган Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан маърузасини тингладилар. Депутатлар муҳокамасидан сўнг қонун қабул қилинди.

Парламент маъмурий ҳибс жазосига тортилган шахсларни сақлаш юзасидан харажатларни ундириш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳот ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошевнинг маърузасидан сўнг депутатлар республиканинг бир қанча қонунчилик актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритдилар.

Депутатлар фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродовнинг маърузасини тинглаб, 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисидаги қонун ҳамда мазкур қонунни кучга киритиш ҳақидаги қарорни муҳокама қилдилар ва уларга ўзгартишлар киритдилар.

Сўнгра биринчи ўқишда «Меҳнат шуҳрати» ва «Шон-шараф» орденлари тархи ва тасвири ҳақидаги низом лойиҳасини муҳокама этдилар ҳамда ушбу ҳужжатларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси хусусида маъруза қилди. Ҳарбий доктрина лойиҳаси биринчи ўқишда парламент томонидан маъқулланди ҳамда умумхалқ муҳокамасига тавсия этилди.

Парламент бир қанча давлатлараро ҳужжатларни кўриб чиқди. Олий Мажлис кейинги вақтда Ўзбекистон билан Польша, Молдова ўртасида тузилган шартномаларни ратификация қилди. Шунингдек, республика бир неча давлатлараро конвенцияларга қўшилди.

Парламент инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили қошида инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича комиссия тузди.

Сессия котибияти раҳбари М. Ашуров депутатларга меҳнат жамоаларидан, раҳбар шахслар ва айрим фуқаролардан сессия номига келган мурожаатлар ҳақида ахборот берди.

Республиканинг олий қонун чиқарувчи органи ўз ваколатига кирувчи бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини тугатди.

(ЎзА).

ДИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛСИН

ТОШКЕНТДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ БЎЛДИ

СУРАТДА: тантанали йиғилиш пайти. **Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.**

Муҳташам саройга 8 май куни урушнинг оловли йилларида жангтоҳларда ҳамда фронт ортида жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатган авлод вакиллари, республика Қуролли Кучлари зобитлари, аскар ва курсантлар, пойтахт жамоатчилиги намояндалари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари ташриф буюрди.

Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов йиғилишни очди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Аввало барчангизни улуғ айём — иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман, деди Президент. Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо Ғалаба байрами бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу байрам бизга, бизнинг халқимизга катта қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга, қалбларимизни изтиробга солади.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бутунги ҳаётимизни, бегубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ватанимизнинг турт юз минг фарзанди, жанг майдонларидан қайтмаганларни, шаҳид бўлганларни, умри хазон бўлганларни чуқур изтироб билан эслаймиз, уларнинг халқимиз юрагидаги ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, фронт орқасида меҳнат қилган фидойи юртдошларимизни, «қора хат» юрагини доғлаган ота-оналарни, гулдай умри хазон бўлган келинчакларни, ота меҳрига тўймаган етим-есирларни эсламасдан иложимиз йўқ.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг дилимиздаги яралар янгиланади. Чунки, юртимизда урушдан жафо чекмаган бирорта хонадон, оила йўқ.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи поклари доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юр-

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

8 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

— Инсониятнинг фашизм балосидан қутилиши йўлида ярим миллион нафарга яқин Ўзбекистон фарзандлари шаҳид кетди, — деди Ислом Каримов сафар олдидан журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Оқ сут берган онасини, ота меҳрига тўймаган боласини, азиз ватанини дея омонсиз жангга кирган мардларни, бегуноҳ қурбонларни ёд этмоқ ҳам фарз, ҳам қарздир. Отаболоари, ака-укалари окопларда бирга жанг қилган турли миллат вакилларининг Буюк Ғалаба куни бирга бўлиши, ўтган оғир кунларни, ғоят қимматга тушган ғалаба нашидасини бирга туйиши ҳам бениҳоя муҳим. Биз Москвада ўтадиган тантаналарда уруш қурбонлари хотирасига, ғалаба билан юртга қайтган жангчиларга яна бир карра эҳтиром билдирмоқ ниятида иштирок этамиз.

Мамлакатимиз раҳбарини аэропортда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

/ЎЗА/.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. ИБРАГИМОВНИ (МАРҲУМ) «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатганлиги учун Баҳром Ибрагимов (марҳум) «Жасорат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 8 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

З. О. ФАЙЗИЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Савдо соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, республика аҳолисини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок эттани учун Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмасининг раиси Зафар Омонович Файзиевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 8 май.

Ўзбекистон Республикаси барча мўмин - мусулмонларига Қурбон ҳайити муносабати билан ТАБРИК

Ислом аҳлининг табаррук айёми — Қурбон ҳайити муносабати билан республикамиз барча мўмин - мусулмонларини самимий табриклаймиз. Мустақил давлатимизни озод, обод ва фаровон турмуш ҳукм сураётган диёрга айлантиришда Яратганнинг ўзи мамлакатимиз халқлари дилларига ўзаро бирлик ва пайвандлик тўйғуларини жо этсин, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик, хотиржамлик, аҳиллик ва қут- барака ато қилсин.

Гуллаб - яшнаган Ватан нашидаларидан баҳраманд бўлишдек улуғ орзуларимизга эришишни Парвардигорнинг ўзи барчамизга насиб айласин.

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Снёсий ижроқўми.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

6 май куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов ва Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди.

Ўзбекистон парламенти Раиси журналистларни Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ иккинчи сессияси якунлари билан таништирди. Сессияда, жумладан, Ислом Каримовнинг президентлик ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг таркиби, Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринаси, давлат нишонлари тўғрисидаги каби муҳим масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганини таъкидлади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

ҚУЁШ ЧАРАҚЛАГАН КУН

Ўшанда ҳам шу Ер, шу Осмон эди —
Эллик йил ва яна ундан ҳам олдин.
Қуёш чарақлаган кунларда кўрдим
Дилларга сачраган қонларнинг доғин.
Бугун қувончидан қолди михланиб
Манг йигит бўлиб қоттан ҳайкаллар.
Қизчаси ўтса ҳам элликни ҳатлаб:
«Дадамни кўрмадим» дея ўксинар.
Қутлуғ майдонларда ватандош қабри
Қаҳратон қишда ҳам гулга кўмилар.
Номаълум аскарнинг битмасин сабри
Минглаб оналарнинг оҳини тинглар.
Бу аччиқ қисматни қузатар Осмон,
Унинг ҳам кўзлари ёшланар, оғрир.
Йиғлаб кўнгилларни бўшатмоқ осон —
Кўз ёшин дард билан ютмоқлик оғир...
Кўзлардан қувилган уйқулар тунда
Айланиб юради — замин йиғламас.
Қуёш чарақлаган бахтиёр кунда
Бувижон, йиғламанг, юртим бевамас.
Соғсиз фарзандларга отадир бобом,
Олис ўлкаларда унинг ҳам қабри.
Ғалаба куннда бўлганмиш қурбон,
Оғир-да, энг сўнгги йўқотиш дарди.
Тоғлар ҳайқиради, балки шунинг чун
Ҳали ҳам унади гуллар кўксида.
Осмондан ёғилиб қон-қора қуюн,
Қон ютиб кечирган тунлар эсида.
Шунда ҳам меҳрини гулларга тутди,
Кўнглимиз тоғлардан озор тошмаган.
Демак,тош бўлса, ҳам тоғлар вужуди,
Унинг кўксидаги юрак қотмаган.
Янгроқ қўшиқларим тугамас ҳали,
Машъум хотирага қўймасман ҳайкал.
Бугун ҳам ўзбекнинг мард генерали
Қуёшни кўради ҳаммадан аввал.
Оппоқ қушларимга отмасинлар тош,
Гўдаклар оҳ чекиб ҳеч йиғламасин.
Дунёни баробар ёритсин Қуёш,
Бир бутун Ватанга айлансин замин.
Мозорлар кетмоқда гулзорга ўхшаб,
Тупроқ тортмасинлар дил ярасига.
Қизларим бир умр бахтиёр яшаб —
Қўшиқ қуйлаб берсин набирасига.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтнинг Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фахрийларига «1941 — 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилейи медалини топшириш маросими бўлди.

Тақдирланганлар орасида таниқли адиба Кибриё Қаҳҳорова ҳам бор.

— Уруш бошланган пайтда мен институтда ўқирдим,— деб хотирлайди мукофот соҳибаси.— У кунлар ҳеч бир инсон зотининг бошига тушмасин. Ўқиш ҳам қолиб кетди. Институт казармага айланди. Қизлар ҳамшираликка ариза беришди, йигитлар армияга. Мен ҳам Ўрта Осиё комиссариатида анча ишладим, сўнг жангчилар газетасини чиқаришни юклашди. Кейинчалик разведкачилар бўлимида ишладим. Урушнинг барча азобларини кўрдим.

Мен бугунги тинч ҳаётни кўриб, баъзан қувончдан кўзларимга ёш келади. Шундай фаровон кунлар учун қанчалаб йигитларимиз жангда жонларини қурбон қилишган. Бу фидоликни қадрлаш, имон-эътиқодли бўлиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

(ЎзА).

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

га чиқиб келишади.

Майдонда буйруқ садолари эшитилади. Бу ҳарбий параднинг бошланишидан дарак эди. Ҳарбий парадни Узбекистон мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов қабул қилади. Мудофаа вазирининг ўринбосари, Тошкент гарнизони бошлиги, парад қумондони генерал-майор Қаҳрамон Абдуллаев вазирга қушинларнинг тантанали маршга тайёр экани тўғрисида рапорт беради.

Мудофаа вазири сафга тизилган бўлинмаларни айланиб чиқади, ҳарбийлар билан саломлашади, сўнгра қушинларнинг ҳарбий парадга тайёрлиги ҳақида Узбекистон Президенти, мамлакат Қуролли Кучлари Бош қумондони Ислом Каримовга рапорт беради. Мудофаа вазири ҳукумат минбарига кўтарилади.

Узбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Парадни ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлашга аҳд қилган ёш думбирачиларнинг қушма ротаси бошлаб беради. Думбира зарблари парад оҳанги, қушинлар ва ҳарбий техника сафларининг майдондан ўтиш йўсинини аниқлагандай бўлади.

Думбирачилардан сўнг майдондан Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар байроғи остида Мудофаа вазирлиги зобитлари, Тошкент гарнизонининг қисмлари ва ҳарбий ўқув юртларининг қушма батальони чиройли саф тортиб ўтади.

Улар сафида зобитлар корпусининг энг яхши намояндалари, республика мукофотларига сазовор бўлганлар, байналмилалчи жангчилар — хуллас аскарларга мўҳирлик билан сабоқ бераётган, Ватан ҳимоячиларининг ҳарбий анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган ҳарбийлар бор эди.

Бу — Узбекистон мустақилликка эришганидан кейин республикамиз пойтахтида ўтказилган биринчи ҳарбий параддир. Армиямиз давлатимиз хавфсизлигининг муҳим кафолати ҳисобланади. Унинг сафида чуқур ҳарбий билимга, зарур маънавий-руҳий тайёргарликка, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган зобитлар хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ёшларнинг кўпчилиги ҳарбий мутахассисликни эгаллашга, ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишга интилмоқда. Узбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганидан кейин зобитлар корпусидаги миллий кадрлар сони ўн марта ошди.

... Зобитлар батальонидан кейин майдонга мустақил Узбекистоннинг дастлаб ташкил этилган ҳарбий кучлари — миллий гвардия бўлинмалари кириб келади.

Шундан сўнг республика ҳарбий билим юртлари етакчиси — Тошкент олий умумқушин зобитларини тайёрлаш билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади. Мазкур билим юрти Узбекистондаги энг кекса ҳарбий ўқув даргоҳидир. Бу йил у ўзининг 77 йиллигини нишонлайди. Билим юрти ташкил этилганидан бери бу ерда турли ихтисосдаги 25 минг зобит тайёрланган. Уруш йилларида бу билим юртида таҳсил кўрган 48 кишига юксак Қаҳрамонлик унвони берилган.

Навбат Чирчиқ олий танк қумондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларига келади. Бу ўқув даргоҳи бугунги кунда энг замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа зобитлари, танкчилар, десантчиларни тайёрламоқда.

Танкчилардан кейин майдондан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қумондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, республика Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади.

Шундан кейин, тантанали сафни чегарачи-денгизчилар, ҳарбий десант қушинлари ҳамда республика Ички ишлар вазирлигининг ички қушинлари вакиллари давом эттиради. Аскарларнинг очиқ ва жасур чеҳрасига назар ташлаган кишида ватанимиз хавфсизлиги ва фуқароларимиз осойишталиги ишонч ҳосил қилади.

Майдонда моторларнинг сокин, салобатли овози эшитилади — энди армиямиз ихтиёрида бўлган жанговар техниканинг асосий намуналаридан иборат механизациялашган колонна ўта бошлайди. Бронетранспортёрлар, пиёдалар ва десантчиларнинг жанговар машиналари, танклар, ўзиюрар тўплар, бошқариладиган зенит ракеталари, уруш пайтидаги афсонавий «Катюша»нинг давомчиси — бирданига ўт очувчи «Дул» ва «Бурон» реактив тизимлари барчанинг диққатини тортади. Парадда бу қудратли қуролларни энг юксак даражадаги мутахассислар бошқариб боришди.

Мустақил Узбекистон тарихидаги биринчи ҳарбий парад ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари эркимиз ва мустақиллигимиз ҳимоясида турган республика Қуролли Кучларининг куч ва қудратини намойиш қилди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бу тантана Узбекистон жангчилари авлодлари ўртасида мавжуд бўлган узвийликни яққол намойиш этди. Ҳозирги зобит ва аскарлар бундан ярим аср муқаддам инсониятга тинчлик ҳадя этган ота-боболарига муносибдир. Бугунги кунда улар кўпмиллатли мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик вазиятининг барқарорлигига, Узбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
А. ИВАНОВА репортажи.
(ЎзА).

ДИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган муътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш — барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак, — дея таъкидлади Ислом Каримов.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз: бугун давлатимиз, халқимиз қийин ва оғир ўтиш — тикланиш даврини бошидан кечирмоқда. Лекин қандай бўлмасин, ўзининг ҳаётини ватан ҳимоясига сафарбар қилганларнинг бошини силаб, уларнинг кўнглини чўктирмасдан, норози қилмасдан, керак бўлган барча шароит-имтиёзларни яратишга бугун ҳамма имкониятимиз бор. 23 миллионли халқимиз бор, етарли салоҳиятимиз, куч-қувватимиз бор. Нима, урушда қатнашган 100 минг инсонга ва фронтга ёрдам берган 200 минг кишига шароит тўғдиришга қурбимиз етмайдими?

Биз яхши биламизки, ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни миллий ғурур, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда, ҳар кунлик ташвишларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суянчдир.

Бугунги кунларга етиш учун сиз, азиз қарияларимиз қанча жабру жафо чеккансиз, жасорат ва матонат кўрсатгансиз, шунинг учун ҳам, бугунги куннинг қадрига етадиганлар ҳам сиз — кўпни кўрган кексаларсиз.

Яна бир фикрни қатъий таъкидлаш лозим,— деди Президент.— Уруш майдонларида қурбон бўлганларни, ҳаётдан кўз юмганларни — илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин — ҳаёт тургунча эслаймиз, уларнинг муътабар хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун осмонимиз мусаффо ва беғубор, халқимиз, юртдошларимиз тинчлик, осойишталик вазиятида яшамоқда, хизмат қилмоқда.

Бундай ҳаётга етиш учун сиз, азизларнинг ҳам ҳиссангиз чексиз. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Тилагим шуки, илоҳим умрингиз узоқ бўлсин, бизнинг бахтимизга, юртимиз бахтига бошингиз омон бўлсин, тану жонингиз соғ бўлсин. Диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, — деди пировардида Ислом Каримов.

Республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов ўз маърузасида фашизм устидан қозонилган ғалабага Узбекистон қўшган улкан ҳисса, шонли оталаримизнинг қаҳрамонлиги, бугунги кунда улар изидан бориб, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган мустақил ватанимиз Қуролли Кучларининг ҳозирги салоҳияти ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик хусусида тўхталди.

Тантанали маросимда республика уруш ва фахрийлар ташкилотлари кенгаши раиси Б. Раҳимов, истеъфодаги генерал-полковник П. Шевелёв сўзга чиқиб, уруш даври қийинчиликларини бошдан кечирган авлоднинг ватан олдидаги фидойилиги муносиб тақдирланаётганидан мамнуният изҳор этдилар.

Тантанали йиғилишда Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Буюк Ғалабанинг 50 йиллигини ўтказувчи ташкилот қўмитаси раиси И. Журабеков ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Йиғилиш сўнгида санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

Ҳаётнинг унутилмас сабоқлари

ҒАЛАБАГА ХИЗМАТ ҚИЛГАН ЕЛКАДОШЛИК

Куни кеча «Шарқ» нашриётматбаа концерни ҳовлисида ажойиб маросим бўлиб ўтди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига атаб уруш қатнашчилари ва уша кезларда фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, нашриётимизда ишлаб ғалабага озми-кўпми улуш қўшган кишилар билан учрашув бўлди. Ҳарбий оркестр жўрлигида тантанавор маршлар янгради, яхши сўзлар айтилди, эзгу-тилаклар билдирилди. Совға-саломлар бўлди, дастурхон ёзилди, ноз-неъматлар тўкилди, қўшиқ-куй, ўйин-кулги авжига чиқди. Фахрийларимизнинг юзидаги қувонч, кўзидаги ёш эса менинг хаёлимни узоқ вақтларга, бундан эллик йил муқаддам кечган воқеаларга олиб кетди.

... 1921йил 21 мартда Туркистон Республикаси Давлат Сиёсий Бошқармасининг босмахонаси ташкил этилиши билан Узбекистон матбаачилиги тарихида янги давр бошланди. 1933—1938 йилларда қурилган Тошкент полиграфия комбинати юртимиз матбуоти эҳтиёжларини қондирадиган бирлашган матбаа корхонаси эди. Шундагина пойтахтдаги барча нашриётлар ва таҳририятлар бирлаштирилди. Афсуски, уруш комбинат, умуман матбаа ва матбуот ривожига ўз таъсирини ўтказди. Жанглар халқасида қолган завод ва фабрикалар собиқ Иттифоқ ичкарисига кўчирила бошлади. Урушга тегишли аслаҳаларни ишлаб чиқариш учун майдонлар зарур эди.

Узбекистон ҳукуматининг қарорига кўра, Тошкент матбаа комбинатининг биноси Москва вилоятидан кўчириб келтирилган авиация заводига берилди. Заводнинг бўлинмалари эса комбинатнинг босмахонасини эгаллади. Завод маҳсулотининг фронт учун нечоғли зарурлигини англаб етган нашриёт, таҳририят ходимлари, матбаачилар куч-қувватларини аямай, кеча-кундуз ишлаб матбаа корхонаси ускуналарини «Правда Востока» газетасининг эски биносига кўчиришди. Газеталарнинг таҳририятлари ва нашриёт-бошқаруви ҳам шу бинога ўтган эди. Газетанинг ҳам фронт учун, ҳам муқаррар ғалаба учун, ҳам фронт ортидаги халқнинг бирлиги учун нақадар аҳамиятли эканини ҳис қилиб, зўлдик билан кундалик нашрлар чоп этиш йўлга қўйилди.

Уша кезларда нашриёт, таҳририят ва босмахонанинг деярли барча юқори малакали ходимлари урушга кетганди. Уларнинг аксарияти жангтоҳларда мардона курашиб, истиқлол учун жонларини фидо этдилар. Шаҳидлар хотираси учун концерн ҳовлисида ёдгорлик ўрнатилган бўлиб, ҳалок бўлганларнинг эъзозли номлари мармар тошга битилган.

Мен айни Ғалаба йили — 1945 йилда матбаа ўқув юртини битириб шу корхонага машинада ҳарф терувчи бўлиб ишга келганман. Иш стажим ғалаба билан тенгдош. Шунданми уша кезлардаги газетачилик менга жуда қадрдон, суюкли. Илк бор ўзим терган мақолалар, шеърлар ҳам уруш ҳақида бўлган. Устоз Мақсуд Шайхзоданинг «Шу соат...» шеъридаги ушбу мисраларни унутиб буладими?!

Минг аср ҳам қилади
камлик —
Бир соатнинг саодатига,
Бир соатки — маҳзи
ҳуррамлик,
Бир соатки, тарих бетига
«Зафар» сўзин ёзди кўп
йирик!

(1945 йил 9 май. «Қизил Узбекистон»).

Ҳозир ҳам мураккаб иш орасида хотира уша кунларга кетади. Тарих кўз олдимда жонланади. Журналист биродарларимнинг ўтли-ҳароратли мақолалари битилган, сарғайган, ситилган газета тахламларини варақлаб, ўйга толаман, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари хотирасини ҳурмат туйғуси билан ёдга оламан, худди ҳаммалари бор, ҳаётдек кўринадилар. Бу мангулик белгиси бўлса ажаб эмас.

Ҳадемай сафари қарийдиган асримизда момо Еримизнинг табиий, сиёсий, иқтисодий, маданий, сиёсий-жуғрофий қиёфасини инсон иродасича ва инсоннинг истаклари йўсинича ўзгартирган буюк кашфиётлар, нодир ихтиролар, юксак маданият, муътадил иқтисодий анъаналар дунёга келди, замин ва инсон хизматига жалб этилди.

Бу асрда башар тарихидаги инсонлар умрига завол бўлган энг қонли урушлар кечди, турли минтақаларда миллионларнинг ёстиғини қуритган жанглар содир бўлди, бутун бошли халқлар ва қатламлар махсус қамоқхоналарга ташланди, инсон болалари азоб чекди, қийналди, ўлиб кетди, тириклар эса ўтганларга аза очди.

Бу икки қутбнинг урчуғини ҳам инсон фарзандлари ўғириб турганди, она сайёрамизни тараққиёт сари бошқарган ҳам, унинг нозик танасини бир-бирига зулм қила зир-зир титратган ҳам инсон авлодлари эди.

Иккинчи жаҳон урушини, унинг асосий бўғини бўлмиш собиқ СССРга қарши урушни келтириб чиқарган сиёсий, иқтисодий, мафкуравий омилларнинг мазмун-моҳияти хусусидаги, урушнинг қандай кечганлиги ва оқибатлари ҳақидаги барча ҳужжатлар, жараёнлар, яқин ўтмишдаги ва ҳозирги талқинлари изчил урганилмоқда, башарият ҳақиқатни, жумладан охирги уруш ҳақидагисини билишга интилмоқда.

Ер юзида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатлар, минтақалар, қитъалар ва халқлар орасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, урушларни келтириб чиқарувчи сабабларнинг энг каттаси — тараққиётдаги тенгсизликни, унинг сабабларини ва оқибатларини бартараф эта бориш умумбашарий тарихнинг бугунги бош масаласидир.

Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига собиқ СССР халқлари, Европа ўлкалари, Шарқ диёрлари ва Америка қитъаси давлатлари, хуллас Она Ер фарзандлари давримизнинг муносиб туҳфаси билан келдилар, яъни навбатдаги жаҳон урушини келтириб чиқарувчи сиёсий ва иқтисодий маҳдудлик асослари емирилди, ялпи уруш келиб чиқиши мумкин бўлган минтақалар камайди, сабаблар майдони торайди.

Барчамиз ён-веримиздагиларни, жанг кечганларни, уруш машаққатлари ва жудоликларини тортганларни, муштипар оналаримизни, отахонларимизни, ёшларимизни, фарзандларимизни улуғ байрам билан қутлар эканмиз, Буюк Ғалабанинг неғоли залворли қадри ва чексиз қудрати борлигини чин дилдан ҳис этамиз.

Зеро, Буюк Ғалаба байрами башар байрамидир.

Уша йилларда собиқ СССР таркибида бўлган Узбекистон Республикаси ягона давлатнинг бир минтақаси сифатида иккинчи жаҳон урушида бевосита иштирок этди. Ҳалқимизнинг асл ўғлонлари жон олиб-жон бердилар, қарорларга ва тикланиш даврида амалга оширилган Катта Фарғона канали қазилиши, Каттақўрғон сув омбори қурилиши, Фарҳод ГЭСи ва Бекободда металлургия заводи бунёд этилиши умуммамлакат қурилиш иншооти деб эълон қилинар, барча иқтисодий кучлар, матбуот, адабиёт, санъат аҳли ташаббус теварагида жипслашар ва шароит қанчалик оғир бўлмасин халқда кўтаринки кайфият пайдо буларди. Модомики ёзувчи Саид Аҳмаднинг Катта Фарғона канали қурилишидан ҳикоя қилувчи «Уфқ» романи ўқишган халқ руҳиятини қўйловчи адабий обида сифатида севиб ўқиларкан, модомики улуғ хонанда Маъмуржон Узоқовнинг эл иш бошида тинглаган ва меҳнатга руҳлантирган дилбар қўшиқларига ҳамон ихлос билан қулоқ тутилар экан, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Ҳозирги пайтда адибларимиз, санъаткорларимиз юртимиздаги ўирик қурилишларга ташриф буюрсалар, газеталаримиз узун-қисқа хабарлар билан чекланмасдан туркум мақолалар билан чиқишса, танланган мавзуни теран ёритсалар бўлмайдими? Албатта, булади. Меҳнат инсоннинг доимий машғулоти, исталган жамият равнақи ва давлат мустақиллигининг ягона негизидир. Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларини узлаштириш, Асакада автомобилсозлик корхонаси қуриш, Бухорода нефтни қайта ишлаш корхонасини бунёд этиш, ғаллачилик ва ўрмончилик соҳасини ривожлантириш кабилар умумхалқ иши экан, демак, матбуотимиз бу жараёнларга суст аралашмаслиги, четда турмаслиги, аксинча улкан бунёдкорлик теварагида халқни уюштириши зарур.

Сўнгги йилларда кишини бир вақтнинг ўзида ҳам руҳан эзувчи, ҳам маънан мадад берувчи бир жараён кузатилмоқда. Ер юзида, собиқ Иттифоқ ҳудудида, жонажон Узбекистонимизда уруш кўрган, жабрини тортган кишилар камайиб, музаффар авлод сафлари сийраклашиб бормоқда. Айни чоғда Буюк Ғалабанинг башарият озодлиги, Узбекистон истиқлоли ва дунё тараққиётидаги аҳамиятлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқимиз минглаб мард фарзандларини бекорга қурбон бермаган экан, зеро уларнинг шаҳид руҳи бизга мадад бергандек.

Бу қутлуғ байрамдан сўнг истиқлол сафида одимлаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни корхонанинг 75 йиллиги тараддудини кўра бошлайди. 1921 йил Наврўзидан буёғига кечган чоракам бир асрда жўн матбаа корхонасидан қудратли нашриёт-матбаа мажмуига айландик. Бу эзгу ишга журналистлар ва матбаачилар бир неча авлодларининг, доно раҳбарлар, фидойи ва юртсевар кишиларнинг меҳнати сингган. Ҳозир ҳам,иқтисодий қийин шароитда хом ашёдан унумли фойдаланиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, бушаб қолган майдонларни ижарага бериш эвазига матбаачилар ва журналистларнинг елкама-елка меҳнатлари меваси бўлмиш йирик мажмуанинг, жамоа мулкининг имкониятларини тўла сақлаб қолиш, техник-технологик негизини кенгайтириш устида ишлаяпмиз.

Бу эзгу мақсад йўлида журналистлар ва матбаачиларнинг елкадошлик туйғусини кўз қорачиғидай асрашдек холис ният ва баракали меҳнат шуури бизга мадад бўлаётир.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқаруви раиси.

Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор сингари етук адиблар теварагида истеъдодли ёшлар жамландилар. Ижодий талабчанлик ва бадиий теранлик ортганлиги боис, юксак савияли асарлар дунёга келди, уларнинг қўпчилиги адабиётимиз мумтоз заҳираларига мансубдир. 1943 йилда оташнафас Ҳамид Олимжон бошчилигида шоирларнинг «Узбек халқининг ўзбекистонлик жангчиларга мурожаати» эълон қилинган, кўп ўтмай бу шеърий мактуб «Правда» газетасида ўзбек тилида босилиб чиққан, барча қўшинлар ва жабҳаларда жанг қилаётган улуғ юртимиз ўғлонларига етказилган эди. Ёш истеъдодлар, айниқса, Адҳам Раҳмат, Назармат, Эгам Раҳим ва Иброҳим Раҳим каби жанг қурган ижодкорларнинг фронтдан юборган мақола ва шеърий мактублари юртни, ғалабани ва тинч ҳаётни соғинган минглаб ўзбекистонликларнинг қатъий ирода ва ишончини тараннум этарди. Бекобод металлургия заводи ва Фарҳод гидроэлектростанцияси долзарб қурилишларда бораётган бунёдкорлик ишлари билан халқни таништирган матбуотимиз Зулфия, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Раъно Узоқова сингари истеъдодларнинг меҳнат ва ғалабага даъватларини уқувчига етказиб туради.

Икки отахон газеталарга муҳаррирлик қилган, таҳририятларда ишлаган етук журналистлар Ҳожиакбар Ғуломов, Сиддиқ Ражабов, Абрам Александровский, Вали Ғалямов, Амин Умарий, Салоҳ Ҳасан, Ҳабиб Нўъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Бобош Маҳмудов, Ғиёс Ашуровлар ўта масъулиятли йиллар журналистикаси бешигини тебратиб турдилар.

Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Степан Черник, Баҳром Раҳмонов, Иван Костяков, Рустам Абдураҳмонов, Рихсивой Саҳибоев, Валентин Архангельский, Аҳмад Исмоилов, Яҳё Йўлдошев сингари истеъдодли журналистларнинг юртга юборган хабар, мақолалар ва шеърлари таҳририят ва босмахонада кўзга суртди таҳрир қилинар ва чоп этиларди. Уруш арафасида, уруш йилларида ва ундан кейинги йилларда корхонамизга Фёдор Леонтьев, Василий Архангельский, Аким Мазор, Борий Қамбаров сингари етук раҳбарлар етакчилик қилган бўлсалар, Соломон Могилевский, Нўғмон Ваҳобов, Қаҳҳор Раҳимов, Рихсивой Раҳмонов, Вали Зохидов, Тўра Содиқов, Зикрилла Умрзоқов, Асқар Абдураҳмонов, Билол Муминов, Тўлали Музаффаров, Товфиқ Абдураҳмонов каби жанг қурган ва фронт ортида меҳнат қилган матбаачилик фидойилари корхонанинг кейинги ривожига ҳам катта ҳисса қўшдилар. Урушдан кейин узбек журналистикасига кириб келган Холбек Ёдгоров, Қодиржон Узоқов, Мақсуд Қориев сингари истеъдодли ижодкорлар кейинчалик адабиётда ва матбуот нашрларига раҳбарлик қилишда алоҳида намуналарни кўрсатдилар.

Чунончи, таҳририят ходимлари кўпроқ босмахонада ишлаб, машаққатли жараённинг осон кечишига, босилаётган хабар ва мақолаларнинг хато ва нуқсонсиз чиқишига, ҳатто бирмунча секин кечадиган ҳарф теришга ёрдам беришар, гўё барча-барчанинг Ғалабани яқинлаштиришга иштирок этгиси келарди.

Ҳужжатхонамизда сақланган ҳужжатларнинг далолат беришича, хассос сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор уша кезларда «Қизил Узбекистон» газетасида меҳнат қилган экан. Дарвоқе, етук адибларнинг мутбуот билан бевосита ишлаши газеталар тили бурролигини, халқ тилига яқинлигини таъминлаган эди. Давлат ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатларнинг узбекчага ўгирилиши жараёнида орттирилган тажрибалар давлат тили мақоми берилган она тилимизнинг давлатчилигимизга тўғиз ва тўла хизмат қилдиришда ҳозир ҳам иш беради.

Ўз тарихий тараққиёт йўлида — 75 йил даврида, айниқса 50—90 йилларда турлича ривожланиш босқичларини босиб ўтган «Шарқ»нинг бугунги қудратига ва салоҳиятига эришувида собиқ жангчи журналистлар ва матбаачиларнинг меҳнатдаги матонати, раҳбарликдаги донолиги ҳам қўл келди. Хусусан, уруш даврида ва тикланиш йилларида жанггоҳ машаққатларини татиб кўрган, Москва мудофааси ва бошқа жанглардаги жасорати учун икки марта «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган, кейинчалик дастлаб матбуотга, сўнгра Узбекистонга узоқ йиллар раҳбарлик қилган раҳматли Шароф Рашидов ўз тизимида бир қанча нуфузли собиқ марказий ва маҳаллий газеталар, турли журналларни бирлаштирган нашриётга оталарча ғамхўрлик қилди. Дарвоқе, Шароф Рашидов ўз меҳнат фаолиятини босмахонада ҳарф терувчиликдан бошлаганлиги ҳам бежиз эмас. Корхонамиз пойтахтнинг кўзга ташланиб турадиган ерида ўирик, гўзал иншоотларга, мамлакат ва хорижий техникалар ўрнатилган бўлинмаларга, мўътадил хомашё таъминотига, етук муҳандислар ва ижодий ходимларга эга ягона тугал нашриёт-матбаа мажмуига айланган. Мазкур тарихий, иқтисодий ва маърифий қимматга эга жараённинг тўла-тўкис амалга ошишида, матбаачилар ва журналистлар орзусининг рўёбга чиқишида уруш қаҳрамонлари ва журналистларнинг тажрибалари қўл келди, десак ўринли булади.

Собиқ СССР парчаланиб, Узбекистон мустақилликка эришгач, иттифоқдош республикалар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларга сезиларли путур етди. Қоғоз таъминотининг чигаллашуви, бошқа зарур матбаа ашёларининг етишмаслиги ва тақчиллиги оқибатида газета-журналларнинг тиражи камайиб кетди.

Ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш йўлида изчил бораётган Узбекистон Республикаси ҳукумати муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг доно раҳбарлиги остида мамлакатнинг нефть, олтин, ғалла мустақиллиги учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ёғоч ва қурилиш маҳсулотлари мустақиллиги йўлида дастлабки саъй-ҳаракатларнинг бошланганги, соҳага тегишли бошқа имкониятларнинг изланаётгани Узбекистон яқин келажакда қоғоз ва бошқа матбаа ашёлари мустақиллигига эришишдан далолат бераётир.

Зеро, Узбекистон матбуоти — матбааси ҳам Буюк Ғалабани байрам қилишга ҳақлидир.

Кези келганда халқ ҳужалигининг юқорида саналган ва шуларга ўхшаш долзарб соҳаларидаги умум жараёнларнинг матбуотда ёритилиши хусусида қисқача тўхталмоқчиман. Уруш арафасида, уруш йилларида ва тикланиш даврида амалга оширилган Катта Фарғона канали қазилиши, Каттақўрғон сув омбори қурилиши, Фарҳод ГЭСи ва Бекободда металлургия заводи бунёд этилиши умуммамлакат қурилиш иншооти деб эълон қилинар, барча иқтисодий кучлар, матбуот, адабиёт, санъат аҳли ташаббус теварагида жипслашар ва шароит қанчалик оғир бўлмасин халқда кўтаринки кайфият пайдо буларди. Модомики ёзувчи Саид Аҳмаднинг Катта Фарғона канали қурилишидан ҳикоя қилувчи «Уфқ» романи ўқишган халқ руҳиятини қўйловчи адабий обида сифатида севиб ўқиларкан, модомики улуғ хонанда Маъмуржон Узоқовнинг эл иш бошида тинглаган ва меҳнатга руҳлантирган дилбар қўшиқларига ҳамон ихлос билан қулоқ тутилар экан, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Ҳозирги пайтда адибларимиз, санъаткорларимиз юртимиздаги ўирик қурилишларга ташриф буюрсалар, газеталаримиз узун-қисқа хабарлар билан чекланмасдан туркум мақолалар билан чиқишса, танланган мавзуни теран ёритсалар бўлмайдими? Албатта, булади. Меҳнат инсоннинг доимий машғулоти, исталган жамият равнақи ва давлат мустақиллигининг ягона негизидир. Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларини узлаштириш, Асакада автомобилсозлик корхонаси қуриш, Бухорода нефтни қайта ишлаш корхонасини бунёд этиш, ғаллачилик ва ўрмончилик соҳасини ривожлантириш кабилар умумхалқ иши экан, демак, матбуотимиз бу жараёнларга суст аралашмаслиги, четда турмаслиги, аксинча улкан бунёдкорлик теварагида халқни уюштириши зарур.

Сўнгги йилларда кишини бир вақтнинг ўзида ҳам руҳан эзувчи, ҳам маънан мадад берувчи бир жараён кузатилмоқда. Ер юзида, собиқ Иттифоқ ҳудудида, жонажон Узбекистонимизда уруш кўрган, жабрини тортган кишилар камайиб, музаффар авлод сафлари сийраклашиб бормоқда. Айни чоғда Буюк Ғалабанинг башарият озодлиги, Узбекистон истиқлоли ва дунё тараққиётидаги аҳамиятлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқимиз минглаб мард фарзандларини бекорга қурбон бермаган экан, зеро уларнинг шаҳид руҳи бизга мадад бергандек.

Бу қутлуғ байрамдан сўнг истиқлол сафида одимлаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни корхонанинг 75 йиллиги тараддудини кўра бошлайди. 1921 йил Наврўзидан буёғига кечган чоракам бир асрда жўн матбаа корхонасидан қудратли нашриёт-матбаа мажмуига айландик. Бу эзгу ишга журналистлар ва матбаачилар бир неча авлодларининг, доно раҳбарлар, фидойи ва юртсевар кишиларнинг меҳнати сингган. Ҳозир ҳам,иқтисодий қийин шароитда хом ашёдан унумли фойдаланиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, бушаб қолган майдонларни ижарага бериш эвазига матбаачилар ва журналистларнинг елкама-елка меҳнатлари меваси бўлмиш йирик мажмуанинг, жамоа мулкининг имкониятларини тўла сақлаб қолиш, техник-технологик негизини кенгайтириш устида ишлаяпмиз.

Бу эзгу мақсад йўлида журналистлар ва матбаачиларнинг елкадошлик туйғусини кўз қорачиғидай асрашдек холис ният ва баракали меҳнат шуури бизга мадад бўлаётир.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқаруви раиси.

ЭЛ ЯХШИЛИКНИ УНУТМАС

ёки темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовларнинг сулоласи ҳақида

Иккинчи жаҳон урушининг энг мудҳиш кунларида 16 етим болани бағрига босиб тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг жафокаш рафиқаси Баҳри Акромоваларнинг уйи Шайхонтоҳур туманидаги Боғ проездида жойлашган. Ана шу кичкина кўча ёнида темирчининг муборак номи билан аталган катта кўча ўтади. Шоаҳмад ака ва Баҳри опа ҳаёт эканларида бу хонадонда бўлиш, уларнинг нуроний чеҳрасига боқиш, дуоларини олиш насиб этган эди. Шоаҳмад ота баланд бўйли, ғоз қоматли, кўпинча тўрва орқалаб юрар эди. Ҳозирда ўша хонадон дарвозасида жафокаш соҳибларнинг сиймоси тасвирланган ёдгорлик тахтаси турибди. Бу уйнинг ёнида яна беш хонадон жойлашган бўлиб, уларда фарзандлар, набиралар, авлодлар яшайди. Бундан 12 йил аввалги ўша хонадондаги суҳбатимизда 40 невара ва 12 эвара ҳисоблаган эдик. Ҳозирда уларнинг сони чамаси 70 дан ошиб кетган.

Темирчилар хонадонида катта ўғил — Рафиқнинг ўғли Тоҳир бола-чақалари билан яшайди. Рафиқнинг ўзи ҳозир нафақада. Оиласи билан Ангренда истиқомат қилади. Тўрт фарзанди бор.

Иккинчи ўғли Фёдор Қараганда кўмир конида ишлаб келган. Отаси ҳовлиси ёнидан уйжой қилган. Шахтёрлар шаҳрида танишган рафиқаси Валентина Гавриловна ва фарзандлари шу жойда яшайди. Валентина 8-туғуруғхонада доя. Ўғли Олег офицер. Светлана рус тили мутахассиси, ўғли Константин политехника институти 4-курсида таълим олади.

Шоаҳмад ва Баҳри опа тарбиясини олган фарзандлардан Зина — Ҳабиба Мичкова Олмазор мавзесида 5 нафар фарзанди билан яшайди. Александр Бунинниг 2 фарзанди ва невералари бор. Ольга Тимошинани бир фарзанди ва икки невараси бор. Ҳалима уч боласи билан Тансиқбоев мавзесида яшайди.

Темирчи хонадонида катта ва оқ-қорани яхши биладиган Фёдор — Йўлдош кўп йиллардан буён ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги рамзий авлодлик анъанасини давом эттириб, уларнинг ягона оила шуҳратини ошириш учун вақтини аямайди.

1986 йилда Фёдор — Йўлдош ҳаётида қизиқ воқеа юз берди. Бухоро вилояти Ғиждувон тумани мактаблари изқуварлари ёзишмаси натижасида Фёдорнинг қариндошлари ва 104 ёшли бувиси Дарья Алексеевна Кулгановская топилди. Ўғил ўзининг киндик қони тўкилган Днепропетровск вилоятидаги Васильковский туманига бориб, бувисини бағрига босди, холалари билан кўришди, кончи ота-онасининг қабрини зиёрат қилди.

Фёдор Шомаҳмудов ҳозирда катта хонадон соҳиби. У ака-укалари қатори Шомаҳмудовлар чиғорини ёқиб ўтирибди. Хонадонида Украина киночилари суратга олган «Уруш садоси» фильмининг парчалари бор. Бундан ташқари Австрия сиёсий шарҳловчиси Кристиан Шюллернинг темирчи Шоаҳмад ота жасоратига бағишланган рангли китоби ва 42 дақиқали ҳужжатли фильми сақланяпти.

— Мен марҳум, жафокаш Шоаҳмад отам ва Баҳри онам руҳи поклари олдида абадул-абад таъзим қиламан,–дейди Фёдор Шомаҳмудов – Ўзбекистон она-Ватаним, ўзбек тили иккинчи тилим. Оддий темирчи хонадонида улғайиб оилали, бола-чақали бўлдик, элюртни танидик, оғир ва яхши кунлар силсиласида тобландик. Ҳаммасига раҳмат.

Бундан ярим асрдан ортиқ вақт муқаддам Тошкентни нон шаҳри сифатида дунёга танитган темирчи Шоаҳмад ва Баҳри она Шомаҳмудовлар хонадони соҳиблари — авлодлар, муболаға қилиб айтганда, ҳаёт босқонини босиб, унинг олтин тусли олови рангига ғўзаллик бахш этишмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ВАТАН ФАРЗАНДИ

Ғалаба йўлида шаҳид бўлган минглаб ўзбек ўғлонлари, даҳшатли уруш майдонларидан эсон-омон чиқиб, ўлкамизга қайтган кўплаб юртдошларимиз қаторида камтарин инсон Шароф Рашидов номини хотирлаб ўтишни бурчимиз деб биламиз.



Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасига бағишлаб кўплаб эсдаликлар, китоблар ёзилди. Лекин бу буюк инсоннинг кўп қиррали фаолияти ҳали тўла ўрганилмаган.

Мен бугун Шароф аканинг иккинчи жаҳон урушидаги хизматлари ҳақида қўлимга қалам олишга жазм этдим. Фашист қўмондонлари бошчилигидаги тиш-тирноғи билан қуролланган, ўша даврнинг энг кучли ҳарбий техникасига эга бўлган ваҳший армия Москва остонларига яқинлашиб келаётган оғир вазиятда олий маълумотга эга бўлган навқирон Шароф Рашидов ҳам фронтнинг олдинги қисмлари сари отланди.

Қадрдон қуролдошларининг эслашларича, у киши жанг майдонларига сафарбарликнинг биринчи кунидаёқ батальон комсорги сифатида митингда сўзга чиқиб, «Биз бугун ҳаммамиз Москвани мудофаа қилиш жанг-ҳоларига отланганмиз. Орамизда бирдамлик руҳидаги кўп миллатли халқлар фарзандлари бор. Батальон ўқувчи курсантлари ёшлари номидан қасамёд қилиб айтаманки, ёвуз душманни албатта улоқтириб ташлаймиз, биз албатта енгиб чиқамиз» деган сўзларни айтган.

Ана шундай оташин сўзлар ҳамманинг қалбида жўш урган Ватан учун бўлган фидойилик туйғуларини ифодалайди. Душман қўшинлари Москва остоналарида қақшатқич зарбаларга учратила бошлагач Шароф Рашидов батальони Ленинград мудофааси томон силжиди. Душман авиацияси темир йўл ва автотранспорт йўлларини аёвсиз бомбардимон қилавериши батальонни фронтолди сари масофаларни бир неча ҳафталаб пиёда ўтишга мажбур қилди. Ҳаво ҳаддан ташқари совуқ, айниқса осиёлик жангчилар учун ниҳоятда таъсирли эди. Қор бўрони куз очтирмайди. Йўлларда батальон комсорги айни пайтда ҳамманинг ҳол-аҳволидан хабардор, аскарларни—жангчиларни руҳлантириб, уларда душманга нисбатан чексиз нафрат туйғуларини уйғотар, уларни она-Ватан, эркин ва бахтли ҳаёт учун, келажак авлод учун мардонавор жангларга отлантирар эди.

1942 йилнинг январь ойида Шароф Рашидов хизмат қилаётган қисм Старая Русса остоналарида душман билан шиддатли жангларда қатор районлар ва аҳоли пунктларини озод этиб, қўмондонликнинг буйруғини аъло даражада бажарганлиги учун уларнинг бригадасига «38-зарбдор гвардиячи бўлинма» деган фахрий ном берилганлиги эълон қилинади. Кейинчалик шу бўлинма бир неча кунлар давомида Ленинград ва Калинин вилоятларининг бир неча ҳудудларида тўхтовсиз жангларда қатнашади.

Ўша куни Марфина аҳоли пункти кенгликларида чинакам шиддатли ва қонли жанг бошланади. Бу жангга қўмондонликнинг буйруғи билан командирлар ва комсорг Шароф Рашидов душман мудофаасини ёриб ўтиб ўша қалъани ишғол қилишни таъминлаш тадбирларини ўта пухталик билан ўтказиш тайёргарлигини кўрдилар.

Айни тонготарда қисмлар артиллерияси душманни тўхтовсиз ўққа тутиб турган кезида батальон ҳужуми бошланади. Бир кунлик тўс-тўполон, юзма-юз жанглардан сўнг одатдаги кучли силсила— «ура» чақириғи садоси остида батальон душман истеҳкомини ёриб ўтиб, аҳамиятга эга бўлган аҳоли яшаш ҳудудини эгаллашга муваффақ бўладилар. Душманнинг 30 дан ортиқ танки, юзлаб аскарлари мажақланиб, 200 дан ортиқ оддий аскар ва командирлари асирга олинади. Бу жангда жасорат кўрсатганликлари учун кўпгина ҳарбийлар орден ва медаллар билан, шу жумладан Шароф Рашидов жанговар Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланадилар.

1942 йил август ойининг 13 кунига ўтар кечаси. Душман артиллерия, ҳаво ва замин техникавий кучларини ишга солиб, ўқ ва снарядлар ёмғирини ёғдириб, батальон ҳимоясидаги жойларга ҳужум бошлайди. Ўша куни жанговар майдонда, минг афсуски, душман ўқи жангчи Шароф Рашидовни оғир ярадор қилди. У Уралдаги ва Ярославль вилоятининг Рибинск шаҳарлари госпиталларида узоқ вақт даволанди.

Фурсатдан фойдаланиб севимли нашрлардан бири «Ўзбекистон овози» орқали шу улуғ айём кунлари Ғалабанинг ярим асрлик тўйи билан уруш қатнашчиларини, жанггоҳ ортида фидокорона меҳнати билан ғолибликни таъминлаган, урушдан кейин эса вайрона халқ хўжалигини тиклаган, эндиликда мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этаётган жонкуяр ҳар бир фуқарони халқаро Шароф Рашидов фонди номидан қизғин табриклайман. Илоҳим, тинч ва фаровон турмушимизга кўз тегмасин!

Отамурод МУҲАММАДИЕВ,
Халқаро Шароф Рашидов фонди бош директори.

Суратда: жангчи Шароф Рашидов отаси Рашид Халилов билан.

ФАХРИЙЛАР ҚАЛБИ ҚАРИМАС

Ушбу суратларни махсус мухбиримиз Абдувоҳид Тўраев жойларда уруш фахрийлари билан бўлган учрашувларда тасвирга туширган. Бу қайноқ мулоқотларда халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари алоҳида намоён бўлди. Айниқса, ёш авлод вакиллари ота-боболари жасоратидан ибрат олиш, Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Қаҳратон қиш. Қор қалин. Ўчакишгандек изғирин шиддатидан кўз очиб бўлмайди. Тўхтасин Аҳмедов бўлими жангчилари янги жанговар топшириқни кутиб, душман ташлаб қочган ертўлада суҳбатлашиб ўтиришибди.

— Германияда ҳам қиш Россиядагидан қолишмас экан назаримда, ҳаракатдан тўхташинг билан эт жунжикади, — деди жангчи Иван Колесников.

— Ҳар ҳолда совуқ 30 даражадан кам эмас, — унинг фикрини тасдиқлади бўлим командири. — Ҳечқиси йўқ оғайнилар, взвод командири рота командири ҳузуридан, албатта, янги топшириқ олиб қайтади. Уни бажаришга киришишимиз билан қизиб кетамиз.

Ертўла йўлагида навбатчилик қилиб турган Николай Сороковиков лейтенант Елкин келаётганлигини айтганда жангчиларнинг кўзи чақнаб кетди. Унинг оёғи остида ғичирлаган қор ертўладагиларга ҳам эшитилди. Ҳамма взвод командирини ўрнидан баравар туриб кутиб олди.

Лейтенант Елкин яна сўзини давом эттирди:

— Сиз бугун бажарадиган топшириқ Одер дарёсидан ўтиш ва дарёнинг ғарб томонида плацдарм эгаллаш юзасидан амалга ошириладиган жанговар вазифанинг таркибий қисми ҳисобланади.

Аҳмедов, Колесников ва Сороковиков ниқоб ўрнида ишлатиладиган халатларини кийиб олиб, йўлга тушганларида тонг отишига бир соатдан зиёдроқ вақт қолган эди. Ҳали из тушмаган. Қор устида юриш анча қийин. Тонг отиши яқинлашиб қолганда ўқчи батальон позицияси жойлашган ялангликни ортда қолдириб, сийрак дарахтли майдонга етиб олишди. Одергача бўлган масофа 300 метрдан ошмайди.

Гуруҳ бошлиғининг ишораси билан қорга ётиб олишди ва теварак-атрофни кузата бошлашди. Тўхтасин Аҳмедов дарёнинг бериги томонида дарахтлар панасидаги икки гитлерчи у ёқдан-бу ёққа юриб турганлигини пайқаб қолган эди. Душман соқчиларини Колесников билан Сороковиковнинг зийрак кўзлари қидириб топди.

— Ўртоқ майор, батальон қўмондонлигининг жанговар топшириғи шараф билан бажарилди. Дарёнинг бериги қирғоғида 60-70 гитлерчи плацдармни эгаллаб турибди. Қўққисдан бориб, уларни бемалол яксон қилиш ёки Одернинг нариги қирғоғига улоқтириб ташлаш мумкин. Бу вазифани ҳам мен командир бўлган сол қурувчилар бўлимига топширишингизни илтимос қиламан.

— Раҳмат, ўртоқ ефрейтор, дадиллигингиз билан бизни хушнуд қилдингиз, — барча зобитлар номидан миннатдорчилик изҳор этди майор Чипиль.

***

Ўқчи дивизия жангчиларини, 20-моторлаштирилган инженерлик бригадаси танкларини Одернинг нариги қирғоғига ўтказиш 26 январдан 27 январга ўтар кечаси амалга оширилади деб белгиланди. Сол ва унга тўхтайдиган жой қуриш, жангчилар, танкларни дарёдан ўтказиш вазифаси ҳам ефрейтор Аҳмедов командир бўлган сол қурувчилар бўлими зиммасига юклатилди.

Жанговар топшириқ белгиланган муддатидан икки соат илгари муваффақиятли адо этилди. Шунга кўра лейтенант Елкин Барот Ундесинов билан Михаил Григорьевни сол тўхтайдиган жойни қўриқлаш учун қолдириб, қолган жангчиларни ўрмончининг дала ҳовлисига бошлаб кетди.

БОТИРГА ЎЛИМ ЙЎҚ

виков лейтенант Елкин келаётганлигини айтганда жангчиларнинг кўзи чақнаб кетди. Унинг оёғи остида ғичирлаган қор ертўладагиларга ҳам эшитилди. Ҳамма взвод командирини ўрнидан баравар туриб кутиб олди.

Лейтенант Елкин яна сўзини давом эттирди:

— Сиз бугун бажарадиган топшириқ Одер дарёсидан ўтиш ва дарёнинг ғарб томонида плацдарм эгаллаш юзасидан амалга ошириладиган жанговар вазифанинг таркибий қисми ҳисобланади.

Аҳмедов, Колесников ва Сороковиков ниқоб ўрнида ишлатиладиган халатларини кийиб олиб, йўлга тушганларида тонг отишига бир соатдан зиёдроқ вақт қолган эди. Ҳали из тушмаган. Қор устида юриш анча қийин. Тонг отиши яқинлашиб қолганда ўқчи батальон позицияси жойлашган ялангликни ортда қолдириб, сийрак дарахтли майдонга етиб олишди. Одергача бўлган масофа 300 метрдан ошмайди.

Гуруҳ бошлиғининг ишораси билан қорга ётиб олишди ва теварак-атрофни кузата бошлашди. Тўхтасин Аҳмедов дарёнинг бериги томонида дарахтлар панасидаги икки гитлерчи у ёқдан-бу ёққа юриб турганлигини пайқаб қолган эди. Душман соқчиларини Колесников билан Сороковиковнинг зийрак кўзлари қидириб топди.

— Ўртоқ майор, батальон қўмондонлигининг жанговар топшириғи шараф билан бажарилди. Дарёнинг бериги қирғоғида 60-70 гитлерчи плацдармни эгаллаб турибди. Қўққисдан бориб, уларни бемалол яксон қилиш ёки Одернинг нариги қирғоғига улоқтириб ташлаш мумкин. Бу вазифани ҳам мен командир бўлган сол қурувчилар бўлимига топширишингизни илтимос қиламан.

— Раҳмат, ўртоқ ефрейтор, дадиллигингиз билан бизни хушнуд қилдингиз, — барча зобитлар номидан миннатдорчилик изҳор этди майор Чипиль.

***

Ўқчи дивизия жангчиларини, 20-моторлаштирилган инженерлик бригадаси танкларини Одернинг нариги қирғоғига ўтказиш 26 январдан 27 январга ўтар кечаси амалга оширилади деб белгиланди. Сол ва унга тўхтайдиган жой қуриш, жангчилар, танкларни дарёдан ўтказиш вазифаси ҳам ефрейтор Аҳмедов командир бўлган сол қурувчилар бўлими зиммасига юклатилди.

Жанговар топшириқ белгиланган муддатидан икки соат илгари муваффақиятли адо этилди. Шунга кўра лейтенант Елкин Барот Ундесинов билан Михаил Григорьевни сол тўхтайдиган жойни қўриқлаш учун қолдириб, қолган жангчиларни ўрмончининг дала ҳовлисига бошлаб кетди.

ташлар экан, Т. Аҳмедов ҳушини жамлаб, тилга кирди:

— Нега батальон штабида ётибман? Мени бу ерга ким олиб келди? Қуролдош дўстларим қаерда қолишди?

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 10 апреллдаги Фармонига мувофиқ Тўхтасин Аҳмедовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

***

Т. Аҳмедов хизмат қилган 88-алоҳида моторлашгирилган инженерлик батальони ёвуз душманга зарба беришни дастлаб Белгород — Курск ёйида бошлаган, Волхов, Карачев, Харьков шаҳарларини озод қилишда қатнашган, Львов ҳужум жангида иштирок этиб, Остриг, Тернополь шаҳарларини душмандан тозалашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган эди. Каменц-Подольск шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жангда кўприкка мина ўрнатиб, «Тигр» танкини портлатиб юборганлиги учун Т. Аҳмедов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Шаҳарни озод қилишда кўрсатган жасорати учун батальонга Каменец-Подольск номи берилди. Тўхтасин Аҳмедов Львов, Самбор, Сандомир, Петраков, Кебин, Потсдам ва Бранденбург шаҳарларини ишғол қилиш ҳамда Висла, Нейсе ва Шпрее дарёларидан ўтиш учун олиб борилган шиддатли жангларда ҳам ҳамиша олдинги сафда бўлди.

Моҳир сапёр ва сол қурувчи фашист босқинчилари устидан қозонилган тарихий ғалабадан буён 50 йил ўтганлигига қарамай, ёш қуролдош дўстлари билан алоқани узган эмас.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Аҳмедов ҳамон сафда. У ҳамқишлоқлари Сирожиддин Эшметов, Камол Фозилов, Абдураим Раззоқовлар билан бирга ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этмоқда. Вилоят, туман ва қишлоқ ёшларининг ҳар бир йиғини Т. Аҳмедов иштирокисиз ўтмайди.

— Ёшлар қалбида, — дейди қаҳрамон, — мустақил Ўзбекистонимизга чексиз муҳаббат тўйғусини сингдиришга муносиб ҳисса қўшишни ўз муқаддас бурчим деб биламан. Бу бурчга умримнинг охиригача содиқ қоламан.

У шу йил 15 июнда саксон ёшга тўлади.

Мажид САМАДОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАР ЁДИ

Яқинда Ўзбекистон ХДП Бойсун туман кенгаши Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган «Партия ва Буюк Ғалаба» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Туман партия кенгаши биринчи котиби Хушмурод Холмўминов ғалабанинг аҳамияти, уни қўлга киритишда Сурхон воҳаси, жумладан Бойсун тумани аҳолиси қўшган ҳисса ҳақида сўзлади. Шундан сўнг туман фахрийлар кенгаши раиси Абдураҳмон Холмаҳматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Очил Пардаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, маҳалла бошлағич партия ташкилоти котиби Тоҳир Усмонов, партия ва меҳнат фахрийси Мастура Олимназаровалар уруш йиллари қўрган-кечирганлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Оқсоқол фахрийлар иштирокида тумандаги 24-ҳунар-техника билим юртининг бир гуруҳ ўқитувчиларига партия билетлари топширилди.

Ёрхан ТОШМУРОДОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши мафкуравий ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари.

ТАЪЗИМДАГИ АТИРГУЛ

Ғалаба байрами арафаси эди. Омонлик кунлар учун жонини бергану ҳоки туғилиб ўсган қишлоғи Лангарга қайтмаган фидойи мактабдошлар хотирасига муҳжазгина мармар ёдгорлик ўрнатдилар. Саҳнага 5-10 туп атиргул ҳам ўтказишди.

Ногиронлиги туфайли урушга боролмаган Мухтор бобо ҳалиҳали куюнади. Бунинг устига кўпчилик жўралари қайтишмади. Ёдгорлик очилган куни Мухтор бобо ерга эгилганча ҳеч кимга билдирмай кўз ёши ҳам қилиб олди. Боболар йиғламасин. Буни айниқса болалар кўрмасин. Шу-шу бўлдию Мухтор бобо ҳар куни боғчага кириб жўраларининг тощдаги номини бир-бир санаб чиқадиган, улар пойидаги атиргулларни эса ардоқлагани ардоқлаган бўлди. Кеч куз эди. Мухтор бобо бир туп бўйчан атиргулнинг шохини атайлаб кесмади. Иккинчи йил атиргул шохлари ўша мармарга чирмашдию, белбоғ бўлди қўйди. Айни Ғалаба кунлари эса гулчамбарга айланиб оппоқ бўлиб очилди. Бунга кўзи тушганлар ҳайратдан лол қолишди.

— Сўлимас, жонли гулчамбар-ку, - дейишди улар.

Ғози РАҲМОН.

1. Қалиялик қаҳрамон

Жўрақул Тўраев уруш бошланганида Жиззах туманининг Қалия қишлоғида жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлар эди.

Кейин эса Жамбул шаҳрига кичик командирлар тайёрлаш мактабига ўқишга юборилди. У ерда 3—4 ой ўқиб кичик сержант унвони билан ўзбек отлиқлар дивизиясининг 222-полкида бўлинма командири бўлиб хизмат қилди. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтди, отлиқ аскарлар машқни давом эттирдилар.

Жўрақул отлиқ аскарлардан тўпчилар тайёрланаётганини эшитиб ўз командирларига тўпчилар батареясига юборишларини суради. Жанговар тайёргарлиги пухта, тиришқоқ ёш командирнинг истаги инобатга олинди. У отни тўпга алиштириб, Челябинск шаҳридаги тўпчилар мактабига жўнади. У ерда тўпни мулжалга отувчи — наводчиклик касбини эгаллади. Айниқса, тўпни танкка, ўзи юрар тўпларга аниқ нишонга олиб отиш сирларини қунт билан ўрганди.

1943 йил... Уларнинг енгил артиллерия полки Орел шаҳри остонасида, Орел—Курск учун бўлган жангларда қатнашди. Ярим кечада Жўрақул навбатчи бўлган артиллерия полкига Орел—Курск темир йўлининг ўнг томонини ҳимоя қилиш топширилди. Тўп расчёти отиш жойларини белгилади. Хандақлар қазилди. Снаряд ва бошқа ўқ-дорилар тайёрланди.

Немис-фашистлари 5 июлнинг тонгида мисли кўрилмаган ҳужумни бошладилар. Бу ерда 8 кун тинимсиз жанг бўлди. Айниқса, фронтнинг Прохоров қишлоғида икки томондан мингдан ошиқ танклар юзма-юз тўқнашди. Танклар, одамлар, ҳатто ер ҳам, тупроқ ҳам олов ичида қолди. Икки томон ҳам қаттиқ талафот кўрди. Жанг ниҳоясида бизникилар душман устидан ғолиб келишди.

Шундан кейин яна қанча жангларда қатнашди. Белоруссия тупроғи учун ҳаёт-мамот олишувлари бўлди, душман танкларининг кули кўкка совурилди. Яradор бўлишига қарамай жанг майдонини ташлаб кетмагани учун Жўрақул Тўраев ва унинг командири Николай Павловга 1944 йил 29 март куни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Жўрақул 1945 йил Подольский артиллерия билим юртини битирди. 1953 йилгача Туркистон ҳарбий округида ўз билими ва ҳарбий тажрибаларини ёш аскарларга ўргатди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, 52 йиллик партия стажига эга Жўрақул Тўраев ёшларни ватанга садоқат йўлида тарбиялашда, фахрийлар кенгаши ишида бугун ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

2. Ўлиб тирилган жангчи

«Ўғлингиз Ҳасанов Соат, гвардиячи катта сержант, Самарқанд вилояти, Жиззах тумани Сталин қишлоқ Совети, Октябрь маҳалласидан Ватан учун, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, жангларда мардлик ва матонат кўрсатиб 1943 йил 7 октябрда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У Киев вилояти Успенско-Лиховск тумани шимолида Днепр дарёсининг ўнг қирғоғида қардошлик қабристонига кўмилган»...

Ана шундай мудҳиш сатрлар битилган қора хат 1943 йилнинг октябрь ойида бир эмас, икки марта Ҳасановлар оиласига келди. Уйидагилар аза очишди.

Аслида воқеа бундай бўлганди. 1943 йилнинг 4 октябри кечаси Соат Ҳасанов хизмат қилаётган полкдан уч группа қўнгиллилар Днепр дарёсидан кечиб ўтиши ва дарёнинг соҳилида маҳкам ўрнашиб олиб, полкнинг асосий кучлари дарёдан кечиб ўтганга қадар ўзлари эгаллаган жойни ушлаб туришга буйруқ берилган эди. Бу жанговар топшириқни бажаришга бел боғлаган аскарларимиз дарҳол сузиб ўтиш жойларини аниқлаб қайиқларни излаб топдилар. Унга қурол-яроқларни, ўқ-дориларни ортиб, тунда сузиб ўтишни бошладилар. Соат Ҳасанов қирғоққа учинчи группада сузиб ўтиши керак эди. Группага лейтенант взвод командири В. Деминов раҳбарлик қилар, Ҳасанов эса унинг ўринбосари эди. Атроф қоп-қоронги, енгил шамол эсар, аҳён-аҳёнда немислар дарёнинг нариги қирғоғидан ракеталар отиб, пулеметлардан дарё устига қараб узун-узун ўқ узар эдилар.

Ҳасановлар группаси қирғоқдан чиқиб дарёда суза бошлаганларида 1 ва 2 группадагилар дарёнинг ўртасига яқинлашиб қолган эдилар. Днепр катта ва кенг дарё. Фашистлар томонидан осналарида қақшатқич зарбаларга учратила бошлагач Шароф Рашидов батальони Ленинград мудофааси томон силжиди. Душман авиацияси темир йўл ва автотранспорт йўлларини аёвсиз бомбардимон қилавериши батальонни фронтолди сари масофаларни бир неча ҳафталаб пиёда ўтишга мажбур қилди. Ҳаво ҳаддан ташқари совуқ, айниқса осиёлик жангчилар учун ниҳоятда таъсирли эди. Қор бўрони куз очтирмайди. Йўлларда батальон комсорги айни пайтда ҳамманинг ҳол-аҳволидан хабардор, аскарларни—жангчиларни руҳлантириб, уларда душманга нисбатан чексиз нафрат туйғуларини уйғотар, уларни она-Ватан, эркин ва бахтли ҳаёт учун, келажак авлод учун мардонавор жангларга отлантирар эди.

1942 йилнинг январь ойида Шароф Рашидов хизмат қилаётган қисм Старая Русса остоналарида душман билан шиддатли жангларда қатор районлар ва аҳоли пунктларини озод этиб, қўмондонликнинг буйруғини аъло даражада бажарганлиги учун уларнинг бригадасига «38-зарбдор гвардиячи бўлинма» деган фахрий ном берилганлиги эълон қилинади. Кейинчалик шу бўлинма бир неча кунлар давомида Ленинград ва Калинин вилоятларининг бир неча ҳудудларида тўхтовсиз жангларда қатнашади.

Ўша куни Марфина аҳоли пункти кенгликларида чинакам шиддатли ва қонли жанг бошланади. Бу жангга қўмондонликнинг буйруғи билан командирлар ва комсорг Шароф Рашидов душман мудофаасини ёриб ўтиб ўша қалъани ишғол қилишни таъминлаш тадбирларини ўта пухталик билан ўтказиш тайёргарлигини кўрдилар.

Айни тонготарда қисмлар артиллерияси душманни тўхтовсиз ўққа тутиб турган кезида батальон ҳужуми бошланади. Бир кунлик тўс-тўполон, юзма-юз жанглардан сўнг одатдаги кучли силсила— «ура» чақириғи садоси остида батальон душман истеҳкомини ёриб ўтиб, аҳамиятга эга бўлган аҳоли яшаш ҳудудини эгаллашга муваффақ бўладилар. Душманнинг 30 дан ортиқ танки, юзлаб аскарлари мажақланиб, 200 дан ортиқ оддий аскар ва командирлари асирга олинади. Бу жангда жасорат кўрсатганликлари учун кўпгина ҳарбийлар орден ва медаллар билан, шу жумладан Шароф Рашидов жанговар Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланадилар.

1942 йил август ойининг 13 кунига ўтар кечаси. Душман артиллерия, ҳаво ва замин техникавий кучларини ишга солиб, ўқ ва снарядлар ёмғирини ёғдириб, батальон ҳимоясидаги жойларга ҳужум бошлайди. Ўша куни жанговар майдонда, минг афсуски, душман ўқи жангчи Шароф Рашидовни оғир ярадор қилди. У Уралдаги ва Ярославль вилоятининг Рибинск шаҳарлари госпиталларида узоқ вақт даволанди.

Фурсатдан фойдаланиб севимли нашрлардан бири «Ўзбекистон овози» орқали шу улуғ айём кунлари Ғалабанинг ярим асрлик тўйи билан уруш қатнашчиларини, жанггоҳ ортида фидокорона меҳнати билан ғолибликни таъминлаган, урушдан кейин эса вайрона халқ хўжалигини тиклаган, эндиликда мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этаётган жонкуяр ҳар бир фуқарони халқаро Шароф Рашидов фонди номидан қизғин табриклайман. Илоҳим, тинч ва фаровон турмушимизга кўз тегмасин!

Отамурод МУҲАММАДИЕВ,
Халқаро Шароф Рашидов фонди бош директори.

Суратда: жангчи Шароф Рашидов отаси Рашид Халилов билан.

Икки лавҳа

сия тупроғи учун ҳаёт-мамот олишувлари бўлди, душман танкларининг кули кўкка совурилди. Яradор бўлишига қарамай жанг майдонини ташлаб кетмагани учун Жўрақул Тўраев ва унинг командири Николай Павловга 1944 йил 29 март куни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Жўрақул 1945 йил Подольский артиллерия билим юртини битирди. 1953 йилгача Туркистон ҳарбий округида ўз билими ва ҳарбий тажрибаларини ёш аскарларга ўргатди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, 52 йиллик партия стажига эга Жўрақул Тўраев ёшларни ватанга садоқат йўлида тарбиялашда, фахрийлар кенгаши ишида бугун ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

монга отилган ракеталардан бири ҳамма ёқни ёритиб, олдинги 2 группани кўриб қолди ва уларга қарши қирғоқдаги барча қуролларидан ўт очди, шунда 3-группа командири қайиқчиларга:

— Пастга қараб сузиб ўтишни бошланглар, олдинги режани ўзгартиринглар, — деб буйруқ берди, С. Ҳасанов эса:

— Ҳаммаларинг қайиқнинг пастига ётинглар,— деди.

Кечиб ўтишни биринчи бошлаган 2-группа немислар отган ўқдан бир нечта кишини қурбон бериб орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Соат Ҳасановлар группаси эса душманга чап бериб, олдинги икки группа билан овора бўлиб қолганлигидан фойдаланиб қирғоққа талафотсиз ўтиб олдилар. Улар 11 киши эди. Атрофи катта бўлмаган дарахтзорлар майдонини эгаллаб олишди. Ҳаммаёқни тўрт томонлама мудофаа қилишга тайёрлашди. Кечаси берилган махфий сигнал орқали яна 2-3 группанинг Днепр дарёсидан кечиб ўтишини таъминладилар. Буни сезиб қолган немислар жон-жаҳди билан аскарларимиз устига ўт очди. Қонли жанг бўлди. Бир кунда улар бир неча марта ҳужум қилди. Лекин катта талафот кўриб орқага чекинишди.

Бизникилар ҳам бу оғир, узлуксиз снарядлар ёрилишидан, бомбалар портлашидан, пулемёт, автоматлардан отилаётган ўқлардан қурбон бўлиб, яраланиб қонга бўялар эдилар. Лекин, жанг майдонини ташлаб кетмадилар, орқага чекинишмади. Соат Ҳасановлар группасидан ҳам 3 киши ҳалок бўлди. Взвод командири В. Деминов бир неча еридан оғир яраланди.

— Соат, командирликни қабул қил, орқага чекинма,— деди у. Взводда 7 киши қолди.

Шунга қарамай душман орқага улоқтириб ташланди. Санитарлар ярадорларни жанг майдонидан йиғиб олди. Кўмиш командаси эса, шаҳид бўлганларни бир ерга йиғиштирди. Шунда санитарлардан бири тупроқ остида ётган Соат Ҳасановни кўриб, кўкрагига қулоқ солса унинг юрагида жон борлигини сезиб қолди. Дарров унга ёрдам кўрсатилиб, яралари боғланди ва госпиталга жўнатилди.

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида Соат ака Ҳасановдан сўрадик:

— Қандай истак ва ниятларингиз бор?

— Қуролдошларимни доим эслайман ва ҳамон излайман. 38 йилдан сўнг ҳамюртим, полкдош дўстим Қудрат Шерматовни Қозогистоннинг Чимкент вилояти Еттисой туманидан топдим. Командирим В. Деминовнинг тириклигига ишонгим келади. Яна,— дейди у кулиб,— Днепр дарёси қирғоғидаги ўзим «кўмилган» қабрни кўрсам...

Ваҳобжон ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

УРУШ САБОҚЛАРИ

Уруш деб аталмиш бу жангу-жадалда тез-тез айтилиб турадиган бир ашула бор эди. «Кенг ва беполёндир менинг ватаним» деб бошланар эди бу ашула. Бизнинг ватан тушунчамиз ҳам ўша вақтларда худди шундай кенг эди. Узоқ шарқдан ғарб чегарасигача. Бироқ, ўша даврдаги Ўзбекистон — узоқ-узоқларда қолиб кетган эди. Аслида мен шу ватаннинг фарзанди эдим. Ҳар лаҳза ва ҳар дақиқа туғилиб ўсган жойимнинг табиати — емишларига шарбат бағишлайдиган офтоби, жазирама иссиқларида танга роҳат бағишлайдиган суплари, тасаввуримда душман пойи тегмайдиган муқаддас тупроқлари доим ёдимда юради.

Уруш воқеаларининг тарихи ярим асрдан ошяпти. Вақт тўфон сингари ўтиб кетган жанг воқеаларини қуюқлаштиради, тиниқлаштиради. Бу тиниқликда даҳшатли кунлар хусусида уруш қатнашчиларининг ўз замондошлари билан ўртоқлашиши, дардлашиши кўнгил талабидир.

Масаланинг бошқа бир томонини ҳам ҳисобга олиш зарур. Афсуски собиқ Иттифоқ миқёсида яратилган жилд-жилд бадиий асарларда, кўп серияли фильмларда ўзбек жангчиси тилга олин

Қурбон ҳайити муборак бўлсин!

ҲАЗРАТИ РАСУЛУЛЛОҲ ТУШГА КИРГАНЛАРИДА...

Имом ал-Бухорий келтирган саҳиҳ бир ҳадисда Ҳазрат Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки мени тушида кўрса, уйғоқ ҳолда ҳам албатта ўзимни кўражакдир. Чунки шайтон менга ўхшаш бир суратга кира олмас» тарзида ирод этмишлар.

Ҳазрат Анас разиаллоҳу анҳудан келтирилган бир ривоятда «Мени тушида кўрган албатта жаҳаннамга кирмагусидир» тарзида ирод этмишлар ва Ҳазрат Пайғамбар: «Ҳар кимки мени тушида кўрибди, демак ўнгида ҳам мени кўргандай бўлади. Чунки шайтоннинг менинг суратимга кириши мумкин эмас» шаклида каромат қилганлар.

Ибн Абу Жамра Ҳазрат Пайғамбарни тушда бир гўзал суратда кўрмоқ туш эгасининг диндаги кўркамлигини, аксинча хунук бир суратда ва муборак баданларида нуқсонлар борлигини кўрмоқ туш кўрганнинг нуқсонларига ишора этади, дедилар. Чунки Ҳазрати Пайғамбар бир порлоқ кўзгудирларки, бу кўзгуга боққан фақат ўз сиймосини кўради. Ҳазрат Пайғамбарни бундай етук сиймода кўрмоқнинг буюк фойдалари бор. Ҳазрат Пайғамбарни кўзгу сингари тиниқ кўрмоқ туш соҳибининг аҳволини билдиради ва ғафлатдан уйғотади.

Ҳазрат Пайғамбарни кўрган одамнинг аҳволи доим яхши ва ҳаргиз кўнгли равшан бўлади. Мабодо туш соҳиби қисинишда ва ғам-андуҳда бўлса, қисиниш ва ғам-андуҳдан қутилади ёхуд хасталик ва маҳбусликдан халос бўлади. Қаҳатчилик ичида бўлганлар бундай ҳолларидан қутиладилар ва ҳаётларига арзончилик кириб келади. Мазлумлар эркин ва музаффар бўлғуси. Қўрққанлар ўзларини қўрқитган нарсаларидан қутиладилар.

Тушда Ҳазрат Пайғамбарни қандай суратда кўрганини тушунтириб беролмаган туш соҳиби чиройли хабарга мушарраф бўлади. Дарвоқе, Пайғамбарни ҳаётдагидек кўриш шарт эмас.

Агар Расули Акрамни ўзига таважжуҳ кўрсатганини ёхуд бир нарса ўргатганини, намозда Пайғамбарга иқтидо этганини ёйинки Ҳазрат Пайғамбар ўзига бир нарса едиртирганини, чиройли бош кийим ва жома кийдирганини, ва ниҳоят сўнггида хайрли иш айтганини кўрган бир кимса, агар қўлида мулки бўлмаса, мулк эгаси бўлди. Бундай тушни кўрган олим билганига амал қилади. Обидлар каромат аҳлига мансуб бўладилар. Гуноҳкорлар тавба этади.

Тушда Ҳазрати Пайғамбарни кўрмоқ далилларни исботлашга, сўзда тўғри бўлмоққа ва ваъдага турмоққа ишора этади. Баъзи ҳолларда тушнинг ўзи ва ақраболари орасида уларнинг бирортаси ҳам етишолмайдиган мақом ва обрўга ноил бўлади. Баъзан бундай кимсага қариндош ва яқинлари ҳасад ва душманлик қиладилар. Баъзан эса бундай киши оиласидан айрилади ва ўз ватанидан бошқа диёрга кўчиб кетади. Ота-онадан етим қолмоғи ҳам мумкин.

Бир кимса тушда ўзини Расулуллоҳга ўғил ҳолда кўриши, бундай киши Расулуллоҳ авлодидан бўлмаса, ўша кишининг иймони бутун бўлганига ишора этади.

Бир кимса тушида Пайғамбар ўзига дунё молидан ёхуд ейдиган ва ичадиган бир нарсалардан берганини кўрса, берилган нарсанинг нисбатича хайрга эришади. Агар берилган нарса қовун ёки тарвуз бўлса, кимса катта балодан қутилади. Тушда Ҳазрат Пайғамбарнинг кўзларига сурма қўйганларини кўрган киши динида соғлиқ ва омонлик ичида бўлади. Бундай тушни кўрган хотин ёки унинг эри, агар хотин ҳомиладор бўлса, ўғил бола тўпишига ишора этади. Тушда Ҳазрат Пайғамбарни ниҳоятда баланд бўйли кўрмоқ бу туш эгасининг кўп йиллардан бери диндорлигига ишора этади. Тушда Пайғамбар соқоли шарифларининг қоралигини ва унда оқлик кўринмаганини кўрган кимса севинчга етишади ва катта арзончиликка қовушади.

Тушда Пайғамбар соқолига оқ оралаганини кўрган кимса қувватли бўлади ва душман устидан ғолиб келади.

Тушда Пайғамбар бошларини одатдагидан катта кўрмоқ давлат раҳбарининг мусулмонларни ҳимоя қилаётганига ишора этади. Тушда Пайғамбар ўнг қўли бармоқларининг тугилганини кўрмоқ мулк раҳбарининг элга ризқ беришига ва туш эгаларининг ҳажга кетишига ишора этади.

Бир киши Пайғамбар болдирларининг узун бўлганини кўрса, давлат раҳбарининг умри узун бўлади. Тушда Расулуллоҳ қабрини кўрган киши бой бўлади, маҳбусликдан қутилади. Бир киши тушда ўзининг Ҳазрати Пайғамбарга ота бўлиб қолганини кўриши у кимса эътиқодининг заифлигига ишоратдир.

Бир киши тушда Ҳазрат Пайғамбар завжаларидан бирининг ўз онаси бўлиб қолганини кўриши бу кимса иймонининг бақувватлигидан далолатдир.

Тушда Ҳазрат Пайғамбарни оёқ кийимсиз кўрмоқ туш соҳибининг жамоат намозини тарк этганининг ва бундан буёғига жамоат билан намоз қилиши амр этилганлигининг ишораси бўлади.

Азиз муштарийлар!

Муқаддас Қурбон байрами арафасида инсон боласи, хусусан мусулмон фарзандлари кўриши мумкин бўлган тушларнинг энг суюклисини ва энг эзгусини ва уларнинг таъбирларини эътиборингизга қисқача тарзда тақдим этдик. Ислом маданиятига мансуб мамлакатларда бу ҳодисага оид минглаб китоблар ёзилган, уларнинг барчасида эзгу таъбирлар илгари сурилган. Коинотнинг сўнмас нури бўлмиш Оллоҳ таоло Ҳазрат Пайғамбар нурини барчаникидан устун қилиб яратди ва абадиятга қадар ва ундан сўнг ҳам Ўзигина ҳимоя қилгусидир.

Барчангизни муқаддас Қурбон байрами билан чин юракдан табриклаймиз. Вассалом, Ал боқий антал боқий.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
тўпловчи ва таржимон.

Инсон ва табиат

ТОҒ ПИЁЗИНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

Юртимиз табиати мўъжизакор. Бу заминда илдиз отган шундай гиёҳлар борки, бошқа жойларда учрамайди. Бироқ улар орасида ҳеч қайсиси анзур сингари талон-торож қилинмаган. Етмишинчи йилларнинг бошларида дўконларда бутунлай янги маҳсулот — анзур пиёзи пайдо бўлган. Кўп ўтмай тансиқ таомга айланганди ҳам. Консерванинг баҳоси қиммат эмас, атиги ўша пайтнинг кўпи билан ярим сўм эди (кўп ўтмай битта анзур пиёзини ковлаганга 20 сўм жарима жорий этилганди.). Сиркага ботириб қўйилган, гармдори ва шивит солинган анзур консерваси тилни ловуллатарди. Бу усулда унинг шифобахш хусусиятлари йўқолиб кетишини ҳеч ким ўйламасди, чунки бирор-бир тадқиқот ўтказилмаганди.

1986 йилда «Меҳнат» нашриёти томонидан чиқарилган «Ўзбекистон ССР «Қизил китоби»га киритилган ўсимликлар» рисоласида шундай изоҳлар учрайди: **«1. Анзур пиёзи (аллиул стипитатум) пиёздошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 60-150 сантиметрга етади. Барглари камарсимон, қалин тукли. Пиёзининг диаметри 6 сантиметргача бўлади. Гуллари пуштирангли, июнь ойида гуллаб, июль ойида мева беради. Анзур пиёзи Ўзбекистоннинг тоғли районларида, арчазорлар оралиғидаги очиқ майдонларда ўсади. Озиқ-овқат саноатида кўплаб ишлатилиши ҳамда маҳаллий кишилар томонидан қазиб олиниши натижасида унинг табиий майдонлари кескин даражада камайиб кетди.**

2. Пиёзи анзур (аллилум суворивй). Пиёздошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт, бўйи 80-100 сантиметр. Пиёзнинг диаметри 2-3 сантиметр бўлиб, барги камарсимон узунчоқ. Гули тўқ пушти рангли. Апрель-май ойида гуллаб, июнь ойида мева беради. Ғарбий Тянь-Шань, Помир-Олой тизма тоғларининг адир зонасида, майин тупроқли ерларда, кўпинча канал бўйларида ўсади. Пиёзи анзур консерва саноатида кўп ишлатилиши натижасида унинг табиий майдонлари қисқариб кетди...».

«Қизил китоб» — инсоннинг уйғонган виждони, дарду ҳасрати. Барибир, китоб-китобда. Аёвсиз топталган табиат олдида унинг саҳифалари нима бўлибди. Балки уни «Яшил китоб», деб аташ керакдир. Яшиллик, яхшилик қайтаётганига менгзаб... Бу келажакнинг гапи. «Қизил китоб»да қизиқ бир илова ҳам бор: **Қашқадарё областида саноат ишлаб чиқариши учун алоҳида плантация мавжуд...».**

Кичик ёлғон ҳамиша катта ёлғонни келтириб чиқаради. Вақти келарки, тарихимизнинг ёлғон аралашган саҳифалари ҳақиқат нури билан ёритилар. Ўшанда хўжалик ишлари битилган турли-туман «маълумотларни» қайтадан таҳлил қилишга тўғри келар...

1984 йилнинг кўкламида ўша «саноат плантацияси»ни ўз кўзим билан кўришга жазм этдим. «Варганза» хўжалиги бошлиғи Очил Рузиевнинг «Юриш», янги деҳқончилигимизни кўрсатамиз», дегани ҳам айни муддао бўлди. Очил ака ниҳоятда тадбиркор киши эди.

Машина Варганза, Койни, Башир қишлоқларини ортда қолдирди. Машҳур Қорабулоқни ўраб турган чинорлар ўрмонни оралаб ўтган йўл яна юксакка, тоғ чўққиларига олиб чиқди. Машина юролмай қолгач, пиёда кўтарилдик. Ҳадемай, супага ўхшаш кенг ялангликка чиқдик. Денгиз сатҳидан бир-бир ярим минг метр баландлик. Тепада булутлар чўққиларга бош уриб турибди. Пастликда, тошлар орасида чувалган арғамчидек Кешкурд дарёси тўлғониб оқаяпти. Шунчалар сўлим эди бу ернинг табиати.

Нуқул гуллаётган ўсимликларни кўрасиз. Уларнинг орасида чақалоқнинг муштчасидек саватчасини — уруғ боғлаган дастасини қуёшга тутган анзур тўп-тўп ёки якка ҳолда учрайди. Сал юриб... Саф тортиб турган анзур пиёзларини кўриб ҳайратга тушдим. Пушталарда битта-иккита эмас, минглаб тўп анзур бош тортиб турарди. Наҳот шу ерга ҳам инсон қўли етган бўлса!

— Мана сизга қандай янгиликни кўрсатмоқчи эдим,— деганди ўшанда Очил ака пушталарни оралар экан. — Бу бизнинг тажриба майдонимиз. Ўзингиз биласиз, асосан тоғда деҳқончилик қиламиз, текис, суғориладиган ерлар жуда оз. Агар анзурни маданийлаштирсак, яна битта даромад манбаига эга бўламиз., деб ўйладик.

— Бу ўша «Қизил китоб»да тилга олинган «плантация» эмасми. Чамамда анзурни ковлаб, қайтадан пуштага экишибди. Ахир, бу ўсимликни териш таъқиқланганку.

— Сиз Шаҳрисабз консерва корхонаси эгаллаган майдонни айтяапсизми — деди у киши,— бу корхона ҳеч қачон анзурни кўпайтириш билан шуғулланмаган. Қоғозларда ёзилаверади-да... Қайтанга уларнинг чаласини тузатамиз, деб балога қолиб ўтирибмиз.

Биз саватчаси уруққа тўлиб турган анзурларни оралаб, яна юқорига кўтарилдик. Олдимизда юз очган ёнбағирлик қизилмалла тусда товланар, нонга сепилган седанага ўхшаш алланарсалар элас-элас кўзга ташланарди. Тузукроқ разм солсам, булар — уруғ пўчоқларини бошга кўтариб чиққан қилдек нозик пиёз майсалари экан.

— Ажабланаяпсиз-а,— деди Очил ака кулимсираб.— Сиз ҳам айрим кишилар сингари анзур фақат ўзидан кўпаяди, деган тасаввурда эмасмисиз. Сўраётганимнинг боиси шундаки, илк марта уруғдан анзурни кўпайтиришга урининпмиз.

- Бу жуда катта янгилик-ку, — дейман пиёзнинг ўсишини кўздан кечиргач. — Балки сизлар анзурни кўп миқдорда етиштиришга муяссар бўларсизлар.

— Нима дейишга ҳайронман, — дейди ҳафсаласи пир бўлганини яширмай. — Янгиликнинг туғилгани яхши, аммо ўнлаб тўсиқлараро ўзига йўл оча олармикан..

Анзурни гоҳ ошкора, гоҳ яширин қазиб олиш анча олдин бошланган. Шаҳрисабз, Китоб туманларининг тоғ қишлоқлари аҳолиси гарчи насибалари дўлона, равоч сингари неъматлар бўлса-да, анзурни териб сотиш билан шуғулланишмаган. Тоғ пиёзи асосан шифобахшлиги билан одамларнинг назарига тушган. Мева-чеваларни консервалаш ортган сайин, таъминотчилар тоғлар сарҳадига ҳам кўпроқ қадам қўя бошлашди. Борига қаноат қилиб келаётган тоғликлар ёввойи мева, ўсимликларни териб сотишга кенг жалб этилди. Дастлаб нозик меҳмонлар дастурхонини безаган анзур консерваларини кўп миқдорда тайёрлаш имкони пайдо бўлди. Корхоналар учун бу сув текин маҳсулот эди. Ҳеч ким солиқ тўламас, ҳеч ким етиштиришни ўйламас, арзон-гаровга кавлаб олиш мумкин эди. Шифо учун истеъмол қилинган анзур пиёзи бора-бора серталаб саноат маҳсулотига айланиб қолди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас деганларидек, бу ноёб ўсимлик тез камайиб, талаб ва таъминот ўртасидаги мувозанат бузилди.

Зудлик билан чора кўрмаса бўлмасди. 1973 йилда Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг қарори чиқиб, Китоб ўрмон (ўшанда Яккабоғ ўрмон хўжалигига қарашли эди) хўжалиги ҳудудидаги анзур битадиган 100 гектар ер Шаҳрисабз консерва корхонаси ихтиёрига ўтказилди. Табиий анзурзорлар илмий муассаса ёки деҳқон хўжалигига берилмай, саноат корхонасига «инъом» этилганлиги соф истеъмолчилик мақсадлари кўзда тутилганлигини ошкор этиб турибди. Ўшанда бундан бошқача бўлишини тасаввур қилиш қийин эди. Шу тариқа Шаҳрисабз консерва корхонаси, у орқали Ўзбекистон «Мевасабзавотузумсаноат» концерни юртимизда энг кўп анзур ўсадиган ҳосилдор ерларнинг яккаю-ягона ҳўжайини бўлиб олди.

Бу тадбир ўзини оқламади. Корхона экиш-тикишдан кўра, текин маҳсулотни териб кетишга зўр берди. Аҳвол ўзгармаётгани, талаб ортаётгани, тоғ пиёзи эса тугаб бораётганини кўриб Мева ва сабзавотхўжалиги вазирлиги (у пайтда вазирлик тизими бор эди) 1980 йил 11 февралда 92-сонли янги буйруқ чиқарди. Бу оддий буйруқ эмас, балки катта режаларни қамраб олган бутун бир «дастур» эди. Унинг ўзига хослиги шунда эдики, жумҳуриятдаги барча имкониятлар ишга солиниши, анзур пиёзини жадал кўпайтиришнинг илмий тавсиялари ишлаб чиқилиши, шу орқали катта миқдорда консерва тайёрланиши назарда тутилаётган эди. Жумладан, Шаҳрисабз консерва корхонаси эгаллаб олган тоғдаги Сарпароз ва Ёнғоқли адирларида алоҳида уруғчилик майдонлари вужудга келтирилиши, 2 та фин уйи қуриш, уруғ етиштиришни кескин ошириш мўлжалланарди. Етиштирилган уруғнинг бир қисми Намангандаги «Фарғона» ва «Ўзбекистон 50 йиллиги» хўжаликларига етказиб берилиши, ўша жойларда яна 5 гектар анзурзор яратиш ҳам қайд этиларди. Фақат шуларгина эмас. Тоғ пиёзи табиий ҳолда учрайдиган Шаҳрисабз туманидаги ҳозирги «Оқдарё» ва «Ҳисор» хўжаликлари ҳудудида 1980 йилда 100 гектар, 1986 йилга келиб 600 гектар майдонда анзурзор барпо этиш, камида 65-70 тонна камёб маҳсулот етиштириш мўлжалланганди. Агар бу режалар амалга ошса, анзур консерваси йилига 200 минг донадан 1,2 миллион донага етказиш ҳеч гап эмас экан...

Ўтмишда юртимиз иқтисодиётини қақшатган бунга ўхшаш қоғоздаги кўп режаларни кўрганмиз. Бу тадбир ҳам саробдек бир жилва қилди, холос. Яна шошилинч чора кўрилди. «Ўзплодоовошвинпром» бирлашмасининг 1983 йил 21 март куни чиқарган буйруғи билан ишни эплай олмаган Шаҳрисабз консерва корхонаси ихтиёридаги 100 гектар ер Китоб туманидаги «Варганза» анорчилик хўжалиги ҳисобига ўтказиб берилди. Гапнинг сираси, қилинган-қилинмаган ишлар хўжаликнинг «мероси»га айланди. Вазирлик ва унинг вилоятдаги вакиллари «чиқмаган жондан умид» қабилида иш юритишаётган эдилар.

Қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам, илмий тавсиялар бўлмагач, ҳар қандай эзгу иш аросатда қолади. Катта иштиёқ билан ишга киришган миришкорларнинг қизиқиши сўнди, уруғ ҳам йиғмай қўйишди. Бу орада Очил ака нафақага чиқиб, бошқа ишга ўтиб кетди. Денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр баландликдаги тажриба майдончасига солинган сўқмоқларни ўт босди. Мана бу шеърий мисралар аламли хўрсиниқ ила тизилган бўлса керак:

Анзур, омонмисан тоғларда,
Омонми бошингга соя солган зирк?
Зирали, Тугликдан асар қолдими,
Сояларда маймунжон бормикан тирик?..

Ота юрти ҳақида юраги сиқираб шеър битган шоира Зебо Раҳимова топталган, бойликлари талон-торож қилинган табиат олдида гуноҳимизнинг нақадар катта эканлиги ҳақида ўйлаган бўлса ажаб эмас. Не бахтки, юрт заволи ҳақида йиғлайдиган замонлар ўтди, юрт иқболини ўйлайдиган, куйлайдиган кунларга етишдик. Истиқлол яраларга малҳам қўйди. Ўзимиздан кейин обод ва буюк Ватан қолиши энг олий тилакка айланди.

Аммо ҳали қилинмаган ишлар, тузатилмаган хатолар кўп.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАК-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Нотариал контора орқали уй сотиб олган эдим. Хонадоннинг эгаси Россияга кўчиб кетди. Бу уйни қандай қилиб ўзимизга расмийлаштиришимиз мумкин?

Г. ЖОВЛИЕВА, Тошкент.

Жавоб: Уйнинг паспорти, хусусийлаштирилгани тўғрисидаги ҳужжатлар, ПЖО далолатномалари, ўзингизнинг паспортингиз, пропискада турганингиз тўғрисидаги далолатномани олиб туман ҳокимлигига мурожаат қилинг. Агар бу билан ишингиз ҳал бўлмаса, туман судига даъво аризаси беринг.

***

Савол: Мен Ўзбекистон халқ маорифи аълочисиман, менга қандай имтиёзлар бор?

К. ИБРОҲИМОВ, Шаҳрисабз шаҳри.

33 йил ўқитувчилик қилдим. Ҳозир нафақаламан. Қандай енгилликлар борлигини билмоқчи эдим.

Ў. БЕРДИЕВ, Тошкент вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги «Бошланғич синф ўқитувчилари маошини ошириш тўғрисида»ги ҳамда шу йил 13 ноябрдаги мактаб ўқитувчилари учун бериладиган қўшимча имтиёзлар ва 1991 йил 29 декабрдаги «Нарх-наво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари» ҳамда 1992 йил 5 февраль ўқитувчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ҳақидаги фармонларида шундай дейилади: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Фахрий унвонларига эга бўлган ўқитувчилар қишлоқда яшаса турар жойи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинадилар. Ана шундай кишилар шаҳарда яшаб меҳнат қилишса, бу тўловларнинг 50 фоизидан озод қилинади.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

Шифокор огоҳлантиради

ТАЛАБ ОДДИЙ, ЛЕКИН...

Юқумли ичак қасалликлари энг кўп тарқалган, кўпроқ болалар ўртасида учрайдиган хасталик бўлиб, уларни турли микроблар келтириб чиқаради. Касалликда аввало ошқозон-ичак фаолияти бузилади, беморнинг кўнгли айниб, қайт қилади. Тана ҳарорати орта бошлайди. Организм кўп миқдорда сув йўқотади, қон қуюқлашади ва аста-секин мия, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларга кислород етишмаслиги, заҳарланиш ҳисобига бемор аҳволи оғирлаша бошлайди. Дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилмаса, оғир фожиа рўй бериши мумкин.

Бунинг олдини олиш эса ўзимизга боғлиқ. Ҳар бир киши озодаликка риоя қилиши, овқатланадиган хоналар, жиҳозлар, идиш-товоқлар ўз вақтида тозаланиши, озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиқлари қолиб кетмаслиги лозим. Айниқса, сабзавот ва ҳўл меваларни тозалигига алоҳида эътибор бериш, истеъмол қилишдан олдин албатта яхшилаб ювиш талаб этилади. Сувни қайнатиб ичиш мақсадга мувофиқ. Бозорлардан сотиб олинган сут, тухум, гўшт каби маҳсулотларни яхшилаб пишириб истеъмол қилиш лозим. Акс ҳолда салмонелёз касаллиги келиб чиқиши мумкин.

Кунлар илиб бошлаши билан тез бузиладиган маҳсулотларни, идиш-товоқларни пашша, сичқон, каламушлардан сақлаш, уларнинг кўпайишига йўл қўймаслик ҳам ўткир ичак хасталикларидан сақланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ҳамиша такрорланадиган бу талаблар бир қарагандa жуда оддий кўринса-да, бироқ кўп ҳолларда буларга беэътибор бўламиз. Натижаси эса ўзингизга маълум. Зеро, ҳамманинг соғлиғи ўз қўлида. Шундай экан, оддий талабларга риоя этайлик.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг доценти.

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 13 май, шанба куни чиқади.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси "НАВРУЗ" хайрия жамғармаси "ЎЗТАДБИРКОРБАНК" Сизни ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ билан қизғин қутлайди

Шу билан биргаликда уруш қатнашчилари ва фронт орқасида жасорат кўрсатган азиз юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш учун чиқарилган "НАВРУЗ — 95" хайрия лотереяларини сотиб олишга таклиф этади.

Унда Сизга 1000 сўмдан 1000000 сўмгача ютуқ чиқиши мумкин.

"Ўзтадбиркорбанк" ва "Наврўз" жамғармаси энг кўп лотерея сотиб олган саховатли юридик шахсларга байрам туҳфаси сифатида алоҳида имтиёзлар яратиб беради.

Ютуқлар тиражи шу йил 30 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Наврўз ва Ғалабанинг 50 йиллиги байрамлари Сиз учун зафарлар айёми бўлсин!

Ие, йўқе, наҳотки?

ФИЛЛАР ИШ ТАШЛАГАНДА

ТАИЛАНДДАГИ фирмаларнинг ёғоч омборларидан бирида юк ортиш ва тушириш ишларида кишилар бешта филдан фойдаланишарди. Олти йил давомида хўжайинлар ва «ишчилар» ўртасида яхши муносабат ҳукм сурарди. Бироқ бир воқеа сабаб узаро муносабатга дарз кетди. Ўшанда Чангу лақабли фил ходалар уюмига қоқилиб, оёғини жароҳатлаганди. Жонивор ишлаш у ёқда турсин, ҳатто юра олмай қолди.

Лекин омбор мудири Чангунинг жароҳатига аҳамият бермай, дўхтир чақирмади. Оқибатда бу иш филлар «ғалаёнига» айланиб кетди, яъни барча филлар ишламай қўйди, узларининг жароҳатланган «бригадирлари» атрофидан кетишмай, хартумларини кўтариб бўкиришаверди. Ҳайвонларни ишлашга мажбур этганларнинг барча уринишлари зоё кетди. Ҳатто филлардан бири бир одамни хартуми билан қутариб, улоқтириб юборди. Дўхтир келиб Чангуга тиббий ёрдам кўрсатиши билан филлар яна ишга тушишди.

Қизиги шундаки, улар икки ҳафтагача касал «бригадир»га бамбук новдалари, пальма барглари, турли тропик мевалар келтириб туришди.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИЛ

ОЛИМЛАРНИНГ айтишича, кейинги юз йилликда ҳозир муомалада бўлган 6 минг тилнинг деярли ярми «ўлик» ҳолга айланаркан. Бунга биринчи галда фан ва техника тараққиёти сабаб бўларкан. Негаки, фан-техника тараққиёти инсониятнинг ўзаро мулоқоти, алоқаси ривожига олиб келади. Мулоқотлар эса энг ривожланган ва кўп халқ тушунадиган тилда олиб борилади ва охир-оқибат кам сонли халқ биладиган тилларга ўз-ўзидан ҳожат йўқолиб боларкан. Шу важдан тилшуносларнинг барча халқ тилларини асраб қолишга чақиришмоқда.

ЕБ-ИЧМАС ОДАМ

ҲА, ШУНАҚА одам ҳам бор. Бразилиялик Кордейр да Силва ҳозир 76 ёшда. У ғайритабиий хусусияти билан бутун олимлар фикрини ўзига жалб қилиб келмоқда, яъни унинг ғайриинсонийлиги шундаки, у болалигидан бери ҳеч нарса емайди ва ичмайди. Бироқ соғлигидан нолимайди.

Кордейр икки марта уйланган, 23 нафар фарзанди бор. Бирор марта бўлса-да, касалланмаган. Турмуш ўртоғи ҳар куни эрталаб сут аралаштирилган бир стакан манго шарбатини зўрлаб ичиради. Шундан сўнг аҳён-аҳёнда қаҳва ичади, аммо бундай ҳол ниҳоятда кам учрайди. Тушлик ва кечкига ҳеч нарса емайди ва ичмайди. Айниқса, иссиқда чанқамасдан соатлаб юраверганига нима дейсиз? Бироқ 40 даража иссиқда ҳам совқотиш ҳоллари учраб туради.

Кордейр ҳозир кузатувчи ва текширувчи олимлар гуруҳини кутмоқда. Ажаб эмас улар Кордейрдаги бундай хислат сабабларини аниқлаб беришса.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Ҳалқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда -- 6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда -- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.30 1 2 3 4 5 6.